БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 86 (12.439)

Пайшанба, 11 апрель 1963 йил

Баҳоси 2 тийин.

1 МАЙГА МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИ

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Андижон ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Октябрь» колхозининг аъзолари чигит экишга март ойи охирларидаёқ киришган эдилар. Яхши ишланган ва меъёрига етказиб ўғитланган ерларга ташланган чигит униб чиқа бошлади. Мухторали Ортиқов бошлиқ бригаданинг 80 гектар ерга квадрат-уялаб экилган чигити текис униб чиқди.

Бригада аъзолари ҳамма майдонларда чигитни қийғос ундириб олиш учун курашмоқдалар.

А. АБДУРАҲИМОВ.

ЭКИШ СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Красин номли колхоз далаларида шу кунларда 16 та агрегат унумли ишлаб турибди. Колхозда чигитни сифатли экишга алоҳида эътибор берилаётир. Ислом Алиев, Қурбон Исмоилов ва Мамат Эгамов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда чигит ҳамма майдонларга квадрат-уялаб экилаётир.

З. АБДУЛЛАЕВ,
Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ,
Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Красин номли колхоз аъзолари.

* * *

— Чигитни соз экайлик!

Шўрчи ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози аъзоларининг шиори ана шундай. Колхозчилар шу шиорга амал қилиб чигитни яхши тайёрланган ерларга нормал чуқурликда экмоқдалар. Колхозда ҳозиргача 800 гектардан ортиқ ерга чигит ташланди. Бунда тракторчилардан Нуриддин Абдираимов, Мардон Шукуров, Ҳамид Самадов ўртоқларнинг ҳиссаси катта. Улар астойдил ишлаб, ҳар куни 7-9 гектардан ерга чигит экишга муваффақ бўлмоқдалар.

Б. МЕНГЛИҚУЛОВ.

МУДДАТИДАН 5 КУН ИЛГАРИ

Урганч саноат корхоналарининг ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширда бориб, биринчи квартал планини анча ошириб бажарган эдилар.

Шу кунларда саноат корхоналарида май олди умумхалқ мусобақаси кизиб кетди. Мусобақада ёғ-совун заводи ва Ленин номли тикувчилик фабрикасининг коллективлари олдинда бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан илҳомланган шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари 4 ойлик планни 25 апрелгача бажариш, 1 Май байрамини пландан ташқари 600 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб кутиб олишга аҳд қилганлар.

С. ИБРОҲИМОВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Шу йил 28 майда Ватанимиз пойтахти Москвада КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми очилади. Пленум «Партия идеология ишининг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилади. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичев доклад қилади. Пленумга партия ва совет ходимлари, адабиёт ва санъат арбоблари, фан, халқ маорифи, матбуот, радио, телевидение ходимлари ва республикалар, ўлкалар ҳамда обласглар ижодий интеллигенциясининг бошқа вакиллари таклиф этиладилар.

Ленинчи партия Марказий Комитетининг навбатдаги бу Пленуми бутун партия, совет халқи ҳаётида буюк аҳамиятга эгадир. Бизнинг партиямиз, унинг тинчлик ва халқлар бахт-саодатининг толмас курашчиси Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитети коммунистик қурилишнинг энг муҳим масалаларини ўз вақтида илгари сурмоқда ва уни принципиал ҳал этмоқда. Партия ўз сиёсатини, амалий ишини илғор марксча-ленинча асосларда қуриб, бутун назарий ва ғоявий-тарбиявий фаолиятини коммунистик қурилишнинг конкрет вазифаларини ҳал қилишга бўйсундиргандир.

Партия Марказий Комитети идеология ишининг ҳамма масалаларини ленинча донолик билан ҳал этиш учун жуда муҳим тадбирлар ишлаб чиқди ва уни амалга оширмоқда. Идеология ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши, ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг кенгаши, Куйбишев ва Минск область партия ташкилотларининг ҳисоботлари юзасидан Марказий Комитетнинг маълум қарорлари, Марказий Комитетнинг радио, телевидение ва бадиий кинематография масалалари юзасидан чиқарган қарорлари, партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлари, Ўрта Осиё идеология ходимлари кенгашининг ўтказилиши — буларнинг ҳаммаси партиямиз совет халқи маънавий бойликларини ошириш ва кўпайтириш ҳақида отаклари ғамхўрлик қилаётганлигининг ёркин далилидир.

Коммунистик партия сўнгги йилларда ғоявий ҳаётимизни бойитиш учун жуда катта масалаларни ҳал этди. Марксизм-ленинизм классиклари асарлари янги тўпламларининг нашр этилиши, В. И. Ленин биографиясининг янги мукаммал нашри чиқарилганлиги, марксизм-ленинизм назарияси юзасидан, КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, фалсафа ва бошқа энг муҳим масалалар юзасидан янги асарларнинг вужудга келганлиги партиямиз жўшқин фаолитининг равшан намуналаридир. Бизнинг партиямиз янги инсонни, буюк идеал ва юксак маънавий принциплар эгаси бўлган янги кишини тарбиялашни асосий вазифалардан деб белгилади.

Барча қардош республикаларда бўлгани сингари Ўзбекистон партия ташкилоти ҳам КПСС XXII съезди қарорларига, партия Программасининг идеяларига амал қилиб, кенг механизаторлар оммасини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш янада яхшилашга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширди. Идеологиянинг таъсир доираси кенгайди, унинг ишлаб чиқариш билан боғланиши кучайди. Республикамиз партия ташкилоти идеология соҳасида ишловчи кадрларнинг жуда катта армиясига эгадир. Кейинги йилларда идеология ишида жамоатчилик асосларининг кенг ривожланиши бу соҳага жуда кўп янги кучларни жалб этиш имкониятини туғдирди. Ҳозир партия комитетлари ҳузурида, бошланғич партия ташкилотларида идеология комиссиялари ишлаб турибди. Мингдан ортиқ методика кенгашлари ва сиёсий маориф кабинетлари, сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг икки мингга яқин группаси, 250 дан кўпроқ халқ университети, 700 га яқин доимий лекторийлар ташкил этилиб, буларда партия, комсомол, касаба союз ходимларининг катта қисми, ишчилар, колхозчилар ва интеллигенциянинг минг-минглаб вакиллари жамоатчилик асосларда иш олиб бормоқдалар.

Идеология ишларида, янги жамият кишисини тарбиялашда, сиёсий агитация ва пропагандани ишлаб чиқариш билан, коммунистик қурилиш вазифалари билан мустаҳкам боғлаган ҳолда олиб боришда катта тажриба тўпланган партия ташкилотлари кўп. Чирчиқ шаҳар, Янгийўл, Қўрғонтепа, Охунбобоев, Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармалари партия ташкилотлари шулар жумласидандир. Булар турмуш тақозо этаётган масалаларга ижодий ёндошиб, идеология ишининг янги усул, форма ва методларини дадиллик билан қўлланмоқдалар, унинг жанговар характерда, таъсирчан бўлишига эришмоқдалар.

Аммо шундай партия ташкилотлари ҳам борки, улар ҳозиргача эски усулда, тор доирада юзаки иш тутмоқдалар, канцеляриячилик, фармойиш ва буйруқлар беришдан батамом қутула олмаётирлар. Қува, Балиқчи ва Чимбой ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари ўз ишларини ҳозирги талаблар даражасида тубдан қайта қурган эмаслар. Улар омма орасида чинакам ташкилотчилик ва жонли сиёсий иш олиб бориш, пропаганда ва агитациянинг мазмунини ишлаб чиқариш масалаларига бўйсундириш соҳасида активлик кўрсатмаётирлар. Бу жойларда раҳбар ходимларнинг анча қисми идеология ишларида бевосита қатнашмаётир, омма ўртасида лекция, докладлар билан чиқмаётир. Катта камчилик яна шундаки, пропагандист ва агитаторлар орасида бевосита моддий бойликлар яратаётган саноат ва қишлоқ хўжалиги илғорлари, машъаллари кам. Ваҳолонки, хўжаликнинг у ёки бу соҳасини яхши билган, турмуш тажрибасига эга бўлган илғор ишчилар, колхозчилар ва мутахассисларни омма ўртасида сиёсий иш олиб боришга актив жалб этиш агитациянинг юксак савиясда, жонли ва ҳаётий бўлишини таъминлайди. суҳбатларнинг маъно ва мазмунини бойитишга ёрдам беради.

Идеологиянинг энг муҳим соҳаси партия сиёсий ўқувидир. Сўнгги йилларда сиёсий билим олишнинг бу системаси оммавий тус олди. Меҳнаткашларнинг марксизм-ленинизм асосларини, фалсафа, сиёсий иқтисодни, саноат ва қишлоқ хўжалигининг конкрет экономикасини ўрганишга бўлган қизиқиши ғоят кучайди. Ҳозирги пайтда республикамизда бир миллиондан кўпроқ киши сиёсий маориф системасига ва оммавий пропагандани турли формаларига жалб қилингандир. Буларнинг катта қисми партиясиз ишчилар ва колхозчилардир.

КПСС Марказий Комитети Пленумини идеология ишлари даражасини юксалтиришга қўтариш, пропаганда ва агитациянинг таъсир доирасини кенгайтириш ва унинг ишлаб чиқариш билан боғланишини тағин ҳам мустаҳкамлаш билан кутиб олиш барча партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. **Идеология иши**, деб кўрсатади ўртоқ Н. С. Хрушчев, **шунчаки бир мақсад бўлмай, балки коммунистик қурилишнинг туб вазифаларини ҳал қилишнинг энг муҳим воситасидир. Шунинг учун ҳам юксак таъсирчанлик, самаралилик — ҳозирги замон шароитида ғоявий-тарбиявий ишлар олдига қўйилган талабларнинг моҳияти мана шу.**

Идеология фронтида ишловчи ходимлар омманинг чинакам ташкилотчилари, энг яқин маслаҳатчилари ва мураббийларидир. Улар зиммасига шарафли ва масъулиятли вазифа юклатилган. Улар марксизм-ленинизм ғояларининг, оташин жарчилари, жамиятимиз учун бутунлай ёт ва нолойиқ бўлган нотўғри хатти-ҳаракатларни, ўтмишнинг чирик иллатларини таг-томири билан кўпориб ташловчи, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қақшатқич зарба берувчи курашчилардир.

Бизнинг партиямиз ҳамма вақт идеология ишларимизнинг юксак ғоявийлиги учун курашиб келди ва курашмоқда. Бу идеология коммунизм қураётган совет кишиларининг йўлини ёритиб турибди.

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети совет рассомлари иккинчи Бутуниттифоқ съездининг делегатларини қизғин табриклайди.

СОВЕТ РАССОМЛАРИНИНГ ИККИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИГА

Сизнинг съездингиз мамлакатимизнинг ҳаёти ижодий ғайрат, илҳомбахш меҳнат ва қизғин кураш билан тўлиб-тошган ажойиб бир пайтда тўпланди. Совет халқи меҳнаткашларининг асрлар бўйи орзу қилиб келган тилагини жаҳонда биринчи бўлиб рўёбга чиқармоқда — ер юзида энг адолатли, энг гўзал жамиятни — коммунистик жамиятни барпо қилмоқда. Биз коммунизм учун кураш олиб бормоқдамиз. Бу курашда совет кишиларини коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу — ҳозирги пайтда идеология соҳасидаги ишнинг энг асосий вазифасидир. Партия коммунизм йўлидаги буюк умумхалқ юришига етакчилик қилиб, ғоявий куролимизнинг барча турларини, шу жумладан, коммунистик тарбиянинг тасвирий санъат каби муҳим воситасини ҳам жанговар ҳолда сақлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқда.

КПСС Марказий Комитети мамнуният билан шуни қайд қиладики, совет санъати умуман тўғри йўлдан ривожланиб бормоқда ва ўз вазифаларини муваффақиятли бажармоқда. Совет рассомлари замонамиз темаларига актив мурожаат қилиб, социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабаси халқ ҳаётига олиб келган янги, чинакам коммунистик нарсаларни ёркин кўрсата бошладилар. Партиянинг тарихий XX съездидан кейин ва хусусан ҳозирги пайтда, КПСС Программасини — коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга ошириш учун кураш олиб борилаётган даврда совет бадиий интеллигенцияси барча отрядларининг ижодий активлиги ўсди. Совет Иттифоқидаги қардош халқлар бадиий маданиятларининг интернационал бирлиги ва ўзаро таъсири мустаҳкамланмоқда. Барча совет республикаларининг тасвирий санъати усталари қаторига талантли ёшларнинг катта бир отряди келиб қўшилди.

Шахсга сиғиниш оқибатларининг тугатилиши, партия ва жамоат ҳаётида ленинча нормаларнинг тикланиши, социалистик демократиянинг ривожлана бораётганлиги бадиий ижоднинг янада равнақ топиши учун энг қулай шарт-шароит вужудга келтирилишини таъминлади.

Коммунистик идеалларни қарор топтириш учун, абстракционизмга, формализмга ва вульгарлаштиришга қарши курашда чиниққан социалистик реализм методи совет тасвирий санъати арбобларини учун мустаҳкам компасдир. Социалистик реализм воқеликни бадиий тасвирлашнинг илғор, энг революцион методи билан тасвирий санъат арбобларини қуроллантириб, ҳар бир рассом олдида ўз ижодий индивидуаллиги ва талантининг энг яхши томонларини ривожлантириш учун барча имкониятларни очиб беради.

Ҳаётни тасвирлашда дадил новаторлик, янгиликни излаш — социалистик реализм табиатига хосдир. Агар рассом жаҳон маданиятининг прогрессив традицияларини — турмушни чуқур, дадил, реалистик ҳаққоният билан акс эттиришдаги улуғ традицияларни ўзлаштириб, ривожлантира борса, ана шу изланишлар самарали бўлади.

Бизнинг партиямиз совет санъатининг ғоявий поклигини, юксак бадиий маҳоратини қаттиқ туриб ҳимоя қила беради, совет рассомларининг чинакам новаторлик изланишларини қўллаб-қувватлай беради, санъатнинг хилма-хиллиги — темаининг, услуб, жанрларнинг, индивидуал ижодий ҳал қилишнинг бойлиги тўғрисида ғамхўрлик қилаберади.

Жаҳондаги революцион ўзгаришлар даврини, коммунизм қурилаётган буюк ва қаҳрамонона даврни ёркин бадиий образларда акс эттириш ва улуғлаш лозим бўлган санъатнинг ўзи ҳам жанговар, революцион санъат, чинакам халқ санъати бўлмоғи керак. Буюк революцион идеялар, яратувчилик пафоси ва юксак реалистик бадиий маҳоратга амал қилиб ёзилган асарларгина кишининг қалби ва онгига чуқур сингиб кетади, унда юксак гражданлик туйғуларини уйғотади ва ўзини кишиларнинг бахти учун курашга астойдил бағишлашга отлантиради.

КПСС Марказий Комитети совет тасвирий санъати арбобларини ғоявий жиҳатдан юксак ва бадиий жиҳатдан зўр таъсир кўрсатиш кучига эга бўлган, реал дунёнинг ранг-баранг томонларини тўғри акс эттирадиган, ўзининг инсонпарварлиги билан кишиларни жалб этадиган, инсонга ҳурмат билан қараш хислатини тарбиялайдиган асарлар яратишга даъват этади.

Халқнинг яратувчилик ишида актив қатнашаётган совет рассоми ҳаётнинг яхши томонларини ҳам, салбий томонларини ҳам зийраклик билан кўриши, бу ҳодисаларни тўғри тушуниши ва уларга тўғри баҳо бериши, жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бутун янгилик, илғорликни қарор топтириш учун актив кураш олиб бориши лозим. Рассом ўртоқлар, сизларнинг вазифангиз янги, коммунистик муносабатларнинг қарор топиши ва галабасини виждонан, ҳаққоний акс эттиришдан, коммунизм ишига хизмат қилишдан иборат! Социалистик ҳаётимиз ҳақиқати — рассом илҳомининг манбаидир.

Коммунизм қурувчилари сафида бўлиш, ўз таланти билан халққа, ленинчи партиямизнинг улуғ ишига хизмат қилиш, коммунизм душманларига қақшатқич зарба бериш совет рассомининг олий бурчидир. Коммунистик партиявийлик позицияларида турган, халқ манфаатлари билан яшаётган рассомгина ҳаётни бадиий юксак формада ҳаққоний акс эттирадиган, миллионларча совет кишиларига тушунарли ва яқин бўлган реалистик асарлар яратa олади.

Ленинизм санъат ходисаларига синфий нуқтаи назардан қарашни, партиявийлик ва халқчиллик принципларини қарор топтиради, социалистик идеология билан буржуа идеологиясининг тинч-тотув яшашига кескин суратда қарши чиқади. Совет санъатида социалистик реализм ҳам, формалистик, абстракционистик оқимлар ҳам бирга тинч яшай олади, деб ўйлайдиган киши идеология соҳасида тинч-тотув яшашни кўзда тутган ёт позицияга гирдобига муқаррар тушиб қолади.

Бизнинг партиямиз тасвирий санъатда формализмга қарши, абстракцион бузишларга қарши, натурализмга қарши суюқ, примитив, бемаза, хом асарларга, мазмуни қашшоқ ва шафқатсиз куришиб келди ва бундан буён ҳам кураша беради. Кишиларни бадбўруш қилиб акс эттирадиган, воқеликни бузиб тасвирлайдиган асарлар совет санъатига ётдир. Биз бундай ходисаларни ошкора суратда ва ҳеч муросасиз қоралamокдамиз ва қоралай берамиз.

Марказий Комитет мамнуният билан шуни қайд қиладики, ижодий ходимлар, бутун совет халқи ва чет эллардаги дўстларимиз партиянинг санъат масалаларидаги позициясини қизғин қўллаб-қувватладилар. Мамлакатимизнинг ижодкор кучлари носоғлом ходисаларга, формалистик тенденцияларга қарши, формалистик, абстракционистик лўттибозликларни санъатимиздаги «янгилик» деб эълоя қилиш йўлидаги уринишларга қарши, халқ томонидан ҳаққоний рад этилган ўтмишдаги модернистик оқимларга берилган баҳони қайтадан кўриб чиқиш йўлидаги уринишларга қарши қатъий кураш олиб бордилар. Ўтмишнинг модернистик оқимлари санъатнинг ижтимоий аҳамиятини, унинг ғоявийлигини рад қилган эди.

Совет маданияти арбоблари партиянинг ленинча сиёсатини, партиянинг санъатга раҳбарлигини ўз интилишларининг тимсоли мужассами деб, ўз ижодий меҳнатларининг қудратли ғоявий манбаи деб биладилар. Партиянинг мақсади — ҳар бир рассомнинг қалбида халқ учун, коммунизм учун ижод қилишга бўлган қатъиятни ошириш ва мустаҳкамлашдан, янги дунёнинг улуғворлиги ва гўзаллигини очиб берувчи юксак фикр ва туйғулар санъатини яратишдан иборат. Партия совет санъати арбобларини гражданларга хос юксак жавобгарлик руҳида, коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялашни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

СССР Рассомлар союзи совет санъатининг коммунистик ғоявийлиги учун курашмоғи лозим. Рассомлар союзи тасвирий санъат арбобларини партиявийлик ва халқчилликнинг принципиал позицияларида жипслаштириб ва бирлаштириб, тушкун буржуа санъати ҳамда санъатшунослигига қарши олиб борилаётган актив ҳужумкор курашга бошчилик қилмоғи лозим.

Ижодкор ёшларни ғоявий жиҳатдан қуроллантириш, уларнинг маънавий қиёфаси ва профессионал маҳорати тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Рассомлар союзининг муҳим вазифасидир. Ёш талантларга талабчанлик ва сезгирлик билан муносабатда бўлиш зарур.

Рассомлар союзи ёзувчилар, архитекторлар, композиторлар, театр ва кино ходимлари билан ижодий алоқаларни бутун чоралар билан мустаҳкамлаши ва кун сайин ривожлантириб бориши керак. Адабиёт ва санъат ижодкор кучларининг бирлиги — маданиятимизни тараққий эттиришнинг самарали йўлидир.

Рассомлар ҳаваскорлар ижоди билан профессионал ижодни бирга қўшиб олиб бориш асосида совет жамияти санъат хазинасининг янада ривожланиб, бойиб боришига эришилажагини эсда тутиб, оммавий бадиий ҳаваскорликни оғишмай юксалтиришга ёрдам беришлари керак. Бадиий ижоднинг энг оммавий турлари ва соҳаларини кескин суратда юксалтириш ижтимоий зарурат бўлиб қолди. Рассомлар саноат, турмуш эстетикаси соҳасида, шаҳарларимизни, кишлокларимизни, уй-жойларни безаш соҳасида катта иш қилишлари лозим. Чин гўзаллик совет кишиларининг ҳаётидан кун сайин жой олиши, меҳнатга руҳлантириши, ҳаётимизни янада қувончли ҳаётга айлантириши керак.

Қадрли ўртоқлар!

Гўзал ва кучли қурол, санъат қуроли сизнинг қўлингиздадир. Бу қурол доим халқ манфаатлари йўлида, халқнинг бахт-саодати учун хизмат қилиши керак.

Партия кўп миллатли совет тасвирий санъати арбобларини янги бадиий ишларга, ғоявийлик ва маҳоратни ошириш йўлидаги курашда юксак чўққиларга кўтарилишга, санъатнинг халқ турмуши билан маҳкам алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга даъват этади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети қатъий ишонч билдириб айтадики, совет рассомлари ўз талантларининг бутун кучини давримизнинг улуғворлиги ва гўзаллигини ҳаққоний, ёркин ва баланд руҳ билан акс эттирувчи асарларни яратишга сарфлайдилар, коммунистик қурилишнинг умумхалқ ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

РАССОМЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ИККИНЧИ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

МОСКВА, 10 апрель. (ТАСС). Бугун Катта Кремль саройида рассомларнинг Бутуниттифоқ иккинчи съезди очилди.

Съездни СССР Рассомлар союзи правлениесининг биринчи секретари С. В. Герасимов очди.

Съезд президиумида Л. И. Брежнев, А. Н. Косыгин, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Л. Ф. Ильичев, Б. Н. Пономарев ўртоқлар бор.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Ф. Ильичев КПСС Марказий Комитетининг рассомлар Бутуниттифоқ иккинчи съездига табрикномасини ўқиб эшиттирди.

СССР Рассомлар союзи правлениесининг секретари К. Ф. Белашова съездда доклад қилди.

1 Май шарафига Чирчиқ саноат корхоналарида меҳнат кўтаринкилиги авж олиб кетди. Суратда: Чирчиқ трансформатор заводининг ишлаб чиқариш илғорларидан бири, коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси Ш. Сосна. У трансформаторларни йиғиш бўйича смена нормасини мунтазам ошириб бажармоқда.
И. Глауберзон фотоси.

РАКЕТА-ЯДРО БИЛАН ЗЎР БЕРИБ ҚУРОЛЛАНИШ ТЎХТАТИЛСИН!

СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 8 апрелда АҚШнинг СССР даги элчиси Ф. Колерга Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига нотасини топширди. Нотада айтиладики, Шимолий Атлантик иттифоқи (НАТО)нинг қатнашчилари маълум вақтлардан буён шу блокнинг бирлашган ядро кучларини барпо қилиш планларини тузиш билан шуғулланиб келмоқдалар. Эълон қилинган расмий баёнотлардан маълум бўлишича, АҚШ ва Англиянинг ядро қисмларини Германия Федератив Республикасининг ва, эҳтимол, НАТОда қатнашаётган бошқа бир қанча мамлакатларнинг тегишли қўшинлари билан биргаликда «кўп милатларнинг кучлари» деб аталмиш бир мушт шаклида тўплаш мўлжалланмоқда. Бир нарса мутлақо равшанки, гап АҚШ ва НАТОдаги бошқа давлатлар бундесвера ва бошқа мамлакатларнинг қуролли кучларига ракета-ядро қуроли учун йўл очиб беришни мўлжаллаётганликлари устида бормоқда.

Ракета-ядро қуроли мавжуд бўлган замонда ялпи тинчликнинг гамида бўлиш, дейилади сўнгра нотада, инсониятнинг биринчи ниятидир, бу эса ҳокимият тепасида турган ҳукуматлар зиммасига бениҳоя катта масъулият юклайди. Халқлар якдиллик билан ана шу ҳукуматлардан: термоядро урушининг олди олинсин, бу урушнинг бошланиб кетишига йўл қўйилмасин, деб талаб қилмоқдалар. НАТОдаги давлатлар социалистик мамлакатларнинг тинчликсевар сиёсатига «совуқ уруш» сиёсатини, халқаро ҳамкорликни қўпориш хамда уруш олиб боришнинг тобора ҳалокатлироқ воситаларини яратиш ва жамғариш соҳасида давлатлар ўртасидаги рақобатни ҳар тарафлама кенг авж олдириш йўлини қарама-қарши қўймоқдалар.

Нотада кўрсатиб ўтиладики, НАТО мамлакатларига ҳеч ким таҳдид солаётгани йўқ, кўп томонлар ва кўп миллатлар ядро кучларининг барпо қилиниши жаҳондаги кучларнинг мавжуд нисбатига тузатиш кирита олмайди. Томонлар ядро қуролини шунча миқдорда ҳозирлаб қўйдиларки, ўхшатишлар тили билан гапирганда, бу қурол ерни остин-устин қилиб, океанларни қирғоқларидан чиқариб юбориш учун етиб ортади.

Мабодо, яна бирон ефрейтор учинчи жаҳон урушининг оловини ёқиб юборишга қодир бўлиб қоладиган бўлса, Шимолий Атлантик иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг хавфсизлиги бундан манфаат кўрадими, ахир? Ҳар бир ақли расо кишига шу нарса равшанки, НАТО раҳбарларининг планлари амалга ошгудек бўлса, ядро қуроли ва унинг доимий йўлдоши бўлган уруш хавфи бамисоли сувга тўкилган мой томчисидек планетамиз бўйлаб ёйилиб кетган бўлур эди. Совет ҳукумати шу муносабат билан огоҳлантириш сўзларини баралла айтиб қўйишни ўз бурчи, деб ҳисоблайди.

Конфликт чиққан тақдирда, замонавий уруш қонунлари агрессорни дарҳол бостириш учун ва, жумладан, тинчликсевар давлатларнинг ҳаётий муҳим марказларини нишонга олиб турган доимий ва қаракатчан ҳазалари зарарсизлантириш учун ҳамма воситаларни ишга солишга мажбур қилажак. Шимолий, Ўрта, Балтика ва бошқа денгизларда бўлишидан қатъи назар, сув остида ва сув устида ракеталар ташувчи кемаларнинг тўхташи учун фойдаланиладиган портлар урушнинг дастлабки минутларидаёқ ер билан яксон бўлиши турган гап. Шимолий Атлантик блокининг ҳарбий тайёргарликлари ўзига қарши қаратилган мамлакатлар тинч савдо кемалари ниқоби остида ядро ракеталари ташувчи кемалар яширинib олиши мумкин бўлган энг серқатнов денгиз йўлларини ўз интиқом воситалари билан доимо нишонга олиб туришга мажбур бўлур эди. Башарти, савдо байроғини ниқоб қилиб олган НАТОнинг ҳарбий кемалари денгизларда у ёқдан-бу ёққа изгий бошласа, бу нарса аслида эълон қилмаган ҳолда, уруш ҳолатини чиқаришга тенг бўлур эди.

Совет ҳукумати шу нарсага бефарқ қараб тура олмайдики, дейилади нотада, НАТО ичида бир томондан — АҚШ ҳукумати, иккинчи томондан эса — Франция ҳукумати — гарчи бир-бирига тўла мос келмайдиган сабаблар билан бўлса ҳам, — тилёғламалик билан ғарбий герман милитаризмининг пинжига кирмоқдалар ва, унинг мададкорлигига кафолат олиш учун Германия Федератив Республикаси раҳбар доираларининг энг агрессив ниятларига пинҳон бермоқдалар. АҚШ ҳукумати Германия Федератив Республикасидаги милитаристлар ва реваншист доираларга ён беришлар эвазига НАТО ичидаги зиддиятларни ҳал қилиб олишга уринib кўрмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши якунларини қайта кўриб чиқиш, Германиянинг мавжуд чегараларини ревизия қилиш, социалистик германдавлати — Германия Демократик Республикасига ашаддий душманлик — Германия Федератив Республикаси ташқи сиёсатининг расмий равишда эълон қилинган йўллари ана шулардан иборат. Бу реваншистик сиёсати, уруш сиёсатидир. Қуролланишт соҳасида ва, аввало, ядро билан қуролланиш соҳасида НАТОдаги бошқа давлатлар билан тенглашиб олиш йўлидаги интилишга ҳам ана шу сиёсат сабаб бўлмоқда.

НАТОда планлаштирилаётганидек, ядро қуролига эга бўлган давлатлар доирасининг кенгайтирилиши ва Германия Федератив Республикасининг ядро қуролига йўл топиб бериши осонлаштирилиши натижасида халқаро ишларда ақлдрокнинг галаба қилиш перспективасига талай даражада путур етказиб қўйилиши мумкин. Башарти, АҚШ, Англия ва Франция ядро қуролини ёйиш йўлидан борадиган бўлсалар, у ҳолда Совет ҳукумати ўз-ўзидан маълумки, тегишли ҳулосалар чиқаришга ҳамда янги вазиятни назарда тутиб, Совет Иттифоқининг, ўз дўстлари ва иттифоқчиларининг хавфсизлигини тегишли даражада сақлашни таъминлайдиган чоралар кўришга мажбур бўлур эди.

Германия Федератив Республикасини атом билан қуроллантирмаслик ва ядро қуролининг ҳар қандай тарзда ёйилишига йўл қўймаслигнинг бошқа иложи бор. Бу — қаттиқ халқаро контроль остида ёппасига ва батамом қуролсизланиш; ядро қуролини тақиқлаб, уни миллий қурол-яроғлар орасидан чиқариб ташлаб, тўпланган запасларни йўқ қилиш; чет мамлакатларнинг ҳарбий базаларини тугатиш; ядро бомбаларини тажриба тариқасида портлатишнинг ҳамма турларини абадий тўхтатиб қўйишдир.

Бу — томонларнинг келишуви билан иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш ҳамда Германия билан сулҳ шартномаси тузиб, шу асосда Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштиришдир. Бу — халқаро кескинликни юмшатишга ва давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлашга олиб борадиган тадбирларни кўриш, шулардан биринчи тадбир сифатида ҳужум қилмаслик ҳақида НАТО қатнашчилари билан Варшава шартномаси қатнашчилари ўртасида пакт тузишдир.

Ана шу таклифлардан ҳар бирини ва, айниқса, ҳаммасини бирга қўшиб амалга ошириш натижасида ер юзида тинчлик заминлари мустаҳкамланган бўлур эди. Совет ҳукумати АҚШ ҳукуматини ҳам зикр этилган проблемаларни бартараф қилиш учун ёрдам беришга ва биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, ракета-ядро билан зўр бериб қуролланишни тўхтатишга даъват қилади. Совет Иттифоқи халқаро муносабатларнинг ривожи биринчи ўринга чиқариб қўйган масалаларни музокаралар столи атрофида ҳал қилиш тарафдоридир.

* * *

А. А. Громико ҳудди шу куни Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси Х. Тревельянга ва Германия Федератив Республикасининг СССРдаги муваққат ишлар вакили Г. Наупертга ана шу мазмундаги ноталарни топширди.

* * *

СССР Ташқи ишлар министрлиги 8 апрелда Совет ҳукуматининг АҚШ ҳукуматига нотасининг кўпияларини Шимолий Атлантик пактида қатнашувчи бошқа мамлакатлар—Франция, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Исландия, Туркия, Греция, Канада ҳукуматларига ҳам юборди. (ТАСС).

Идеология ва ҲАЁТ

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг партия XXII съездида қилган ҳисобот докладида партия иши—аслини олганда ижтимоий фаолият доираси бўлиб, бу ишда актив иштирок этиш ҳар бир коммунистнинг бурчи эканлиги, партия органларида жамоатчилик асосларида ишлайдиган комиссиялар, бўлимлар, инструкторлар, район ва шаҳар комитетлари секретарлари тобора кўпайиб бориши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Наманган шаҳар партия комитети ана шу кўрсатмага амал қилиб, КПСС сафига кирувчиларнинг аризасини ва коммунистларнинг шахсий ишини кўриб чиқиш бўйича штатсиз комиссия тузган эди. Комиссия салкам бир йил мобайнидаги иш фаолиятида шаҳар партия комитетига катта ёрдам кўрсатди. Кейинги ярим йил ичида бу комиссия 238 ишни кўриб чиқди, шундан 54 таси коммунистларнинг шахсий ишларига оиддир. Илгари ана шунча ишни кўриб чиқиш шаҳар партия комитети аппарати ходимларининг озмунча вақтини олармиди.

Эндиликда бу ишлар билан штатсиз комиссия шуғулланиб, шаҳар партия комитети ходимлари эса бевосита корхоналарда ташкилотчилик ишлари билан шуғулланмоқдалар. Штатсиз комиссия ишлай бошлагандан буён шаҳар партия комитети папкасида ойлаб кўрилмай ётадиган аризалар қолмади.

Комиссия 15 кишидан иборат. Улар орасида партия ва совет аппаратларида узоқ йиллар ишлаб, катта тажриба орттирган кишилар — шаҳар партия комитетининг собиқ иккинчи секретари И. В. Фомин, М. Ортиқов, пенсионерлардан А. А. Сафин, С. Е. Чвиков, Е. Д. Цибульская, ёш коммунистлардан Ф. З. Зоринков, О. Абдуқодирова, Э. Муродов, П. Г. Пак ва бошқалар бор. Комиссиянинг ҳамма аъзолари шаҳар партия комитети бюросида тасдиқланган. Бу ўртоқлар турли соҳаларнинг мутахассислари бўлиб, ҳар бир масалани ҳал этишнинг уддасидан чиқадилар. Масалан, Озодахон Абдуқодирова онла масаласига тааллуқли бўлган ишлар билан шуғулланади.

Шаҳар партия комитетига коммунистларнинг шахсий ишларига доир келадиган ҳамма материаллар бевосита штатсиз комиссия ихтиёрига топширилади. Комиссия аъзолари ҳар ҳафтанинг сешанба куни иш вақтидан сўнг ўз мажлисларига тўпланиб, бу материаллар билан муфассал танишиб чиқадилар. Бу иш гоят эҳтиёткорлик билан ва аниқ текширилади: комиссия аъзолари шахсий иши кўрилаётган коммунистнинг ўзи билан шахсан суҳбатлашадилар, у ишлаётган жойга бориб маъмурият ва бошланғич партия ташкилотининг фикрини сўрайдилар, керак бўлганда эса мазкур коммунистнинг уйига ҳам борадилар.

Мажлисга мазкур коммунист ҳисобида турган бошланғич партия ташкилотининг секретари ҳам таклиф этилади. Коммунистнинг шахсий ишини текшириш билан бевосита шуғулланган комиссия аъзоси мажлисда ахборот беради. Шундан кейингина бу ҳақдаги масала ўша коммунистнинг ўзи иштирок этган ҳолда кўпчилик овоз билан ҳал қилинади.

Шаҳар партия комитети бюросида шахсий иш ҳақида комиссия аъзоларидан бири ахборот беради. Ишнинг шу тариқа уюштирилиши шаҳар партия комитети бюроси мажлисининг вақтини тежайди, унда муҳим сиёсий хўжалик вазифаларини ҳал этишга имкон беради.

Шуниси муҳимки, комиссия айрим ишларни ҳал қилишда бошланғич партия ташкилотлари йўл қўйган камчиликларни бартараф этади. Масалан, коммунист Ю. Муҳиддиновнинг савдо ишидаги турли найранглари учун бошланғич партия ташкилоти унга виговор бериш билан чекланган эди. Бироқ комиссия унинг хатти-ҳаракатини партия аъзоси деган юксак номга доғ туширувчи ҳаракат, бошланғич партия ташкилотининг қарорини эса ҳаддан ташқари юмшоқ қарор деб баҳолади. Шаҳар партия комитети комиссия фикрини қувватлади ва юлғичи партия сафидан чиқарди.

Ёки бошқа бир мисол, Р. Ҳасанов хотини билан ажралишган эди. Бошланғич партия ташкилоти масалага чуқур ёндошмасдан, уни партия аъзолигига кандидатликдан чиқаришга қарор қилди. Комиссия бу масала билан астойдил шуғулланди. Эр-хотинни яраштириб қўйилди. Ҳасановга виговор бериш билан чекланилди...

Андижон шаҳар партия комитетида ҳам худди ана шундай штатсиз комиссия тузилган. Аммо унинг ишида Намангандаги комиссия фаолиятининг тескарисини кўриб ранжийсан, киши. Комиссияга шаҳар партия комитетининг собиқ секретари, ҳозир эса мактаб директори А. Ёқубова раислик қилади.

Комиссия ҳафтада бир марта иш вақтида мажлис қилади. Демак, комиссия аъзолари жамоатчилик топшириғини ўзларининг асосий хизмат вазифаларига путур етказган ҳолда бажарадилар. Бу ерда коммунистларнинг шахсий иши тўғрисидаги материаллар бевосита штатли инструкторларга тақсимлаб берилади. Аппарат ходимлари бу иш билан танишадилар, коммунистлар ва бошланғич партия ташкилотининг секретарлари билан суҳбатлашадилар. Хуллас, бу ерда коммунистларнинг шахсий ишини кўриш штатсиз комиссиялар тузилмасдан олдин қандай аҳволда бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Аппарат ходимлари бутун иш билан танишиб чиққанларидан кейингина бюро мажлиси бўладиган куни штатсиз комиссияга бу иш билан танишиб чиқишни тавсия қиладилар.

Штатсиз комиссияда шахсий иш қандай кўриб чиқилади денг? Комиссия мажлисида мазкур коммунистнинг шахсий иши билан танишиб чиққан шаҳар партия комитетининг ходими ахборот беради. Мазкур кишига бир қанча саволлар берилади-да, шаҳар партия комитетининг бюросига келишга таклиф қилинади.

Кўриниб турибдики, бундай аҳволда штатсиз комиссия аъзолари ўз мажлислари бошлангунга қадар кимнинг ва неча кишининг ишини кўришларини билишмайди. Улар ҳатто партияга кириш ҳақидаги аризалар ва коммунистларнинг шахсий ишлари тўғрисидаги материаллар шаҳар партия комитетига қачон келганлигини ҳам билмайдилар. Қизиғи шундаки, комиссия қарори партияга қабул қилинаётган ёки шахсий иши кўрилаётган кишининг иштирокисиз қабул қилинади. Шунинг учун шаҳар партия комитети бюроси бу ҳақда қарор чиқарганида, комиссия хулосаси билан камдан-кам ҳисоблашади.

Партиявий ишдаги бу муҳим масалага юзакичилик билан қараш ярамайди. Коммунистик жамият қураётган халқнинг илғор отряди бўлган партия коммунистик ижтимоий ўз-ўзини идора қилишнинг энг мукаммал формаларини ишлаб чиқишда намуна ва ибрат кўрсатишлари, партия ташкилотлари турмуш олға сураётган ҳар бир янги, илғор нарсани қўллаб-қувватлашлари лозим.

М. МИРАБДУЛЛАЕВ.



ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Каркидон сув омбори қурувчилари биринчи квартал планини муддатидан 12 кун аввал бажарган эдилар. Қурувчилар 1 майгача ҳамма тайёргарлик ишларини тамомлашга ва сув омборини сув билан тўлата бошлашга сўз бердилар. Шу йилнинг ўзидаёқ Каркидон сув омбори ёрдамида Фарғона водийсининг пахта далаларига сув оқа бошлайди. Суратда: сув ўтказувчи тунчел иншоотининг кўриниши.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 93 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЛЕНИН КЎРСАТГАН ЙЎЛДАН

Колхоз радиоузели орқали берилаётган эшиттиришни ҳамма эътибор билан тингларди. Суҳбат автори—колхоз раиси Раҳима Исломова «В. И. Ленин ғоялари коммунизм йўлини ёритмоқда» деган темада сўзларди. У доҳийнинг янги жамият қуриш ҳақидаги кўрсатмаларини партиямизнинг ленинчи Марказий Комитети тўла-тўкис амалга ошираётганлигини хўжалик ҳаётидан олинган конкрет мисолларда кўрсатиб берди.

— Колхозимизнинг кекса аъзолари яхши билишади, — деди лектор, — ҳозир биз яшаб турган территория ўрнида янтоқдан бошқа ҳеч нарса битмасди. Кишилар фақат чорвачилик билан шуғулланарди. Колхоз тузилгач, кишилар ернинг жиловини қўлга олдилар. Оддий механизаторлар ўнта, ўн бешта бўлиб бирлашиб, колхоз тузадилар. Дастлаб 10-20 гектар ер очиб деҳқончилик қилдилар, партиямиз механизаторларнинг бошини силади, уларга оталарча ғамхўрлик қилди.

30 йил тарихан унча узоқ вақт эмас. Аммо бизнинг мамлакатимиз кишилари доҳий кўрсатган йўлдан бориб, шу вақт ичида бутун дунёни ҳайратга солувчи мўъжизаларни яратдилар. Мамлакатимизда социализм узил-кесил ғалаба қилиб, коммунизмнинг нурафшон йўлига чиқиб олдик.

Колхозимиз йўлига назар ташлайлик. Ҳозирги территорияда 37 та хўжалик бўлган эди. Уларнинг аъзолари куч бирликда эканлигини тўғри тушуниб, йирик хўжаликка бирлашдилар. Мана энди пахта майдонимиз 1520 гектарга етди. Чорвачилик, паллачилик, ғаллачилик ривожланмоқда. Колхозчилар тўқ, фаровон ва маданий турмуш кечирмоқдалар.

Лектор ўз сўзини колхоз ҳаётидан олинган мисоллар билан асослаб берди. Хўжалик аъзоларининг бу йилги режалари ҳақида сўзлади.

Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Крупская номли колхоз ҳақиқатан ҳам шу бошқармасидаги эмас, балки Самарқанд областида салмокли ўрин тутади. Колхоз аъзолари бу йил ўртоқ Н. С. Хрушчев пахтакорлар олдига қўйган маррадан ўзиб кетиб, гектаридан 26 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун кўкламги дала ишларини пухта уюштирдилар.

Марказий участкада улуғ доҳийга ҳайкал ўрнатилиши колхозчиларнинг зўр тантанасига айланди. Улар доҳий васиятларини дилга жо қилиб ишлаб, маҳсулот етиштиришни янада кўпайтиришга сўз бердилар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбири.

УЛУҒ КУНГА МУНОСИБ СОВҒА

УЧКЎПРИК, («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ленинград ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари улуғ Ленин туғилган кунни муносиб нишонлаш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар. Колхоз бу йил ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштиради. Ҳозир ҳамма далада кўклам ишлари қизғин. 1500 гектар пахта майдони чигит экишга сифатли тайёрланди. Чигит экиш кун сайин кучайтирилмоқда.

В. И. Ленин кунлари олдидан бошланган социалистик мусобақада Ғойибназар Холиқов ва Абдуҳамид Маликов ўртоқлар бошлиқ пахтачилик бригадалари олдинда бормоқдалар. Бу бригадалар колхозда биринчи бўлиб чигит экишни тамомладилар.

Колхоз партия ташкилоти В. И. Ленинниинг ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида бригадаларда ва фермаларда маърузалар суҳбатлар ташкил этди. Участкалардаги қизил чойхоналарда Ленин бурчаги ташкил этилди. Марказий кутубхонада «В. И. Ленинниинг болалик чоғлари», «В. И. Ленинниинг революцион фаолияти» «В. И. Ленин 1918 йилда», «В. И. Ленин Совет давлатининг ташкилотчиси» деган темаларда фотовитриналар ва фотомонтажлар ташкил қилинди.

ИНСОН ХИЗМАТИДА

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

⊙ Кўмир ташишнинг энг қулай йўли ⊙ ҳам вақт, ҳам маблағ тежалади ⊙ машина об-ҳавони олдиндан айтиб бермоқда.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, техника тараққиёти суръатини тезлатиш учун ишлаб чиқаришда янги, юқори унумли машиналардан кенгроқ фойдаланиш талаб этилади. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг тобора ривожланаётганлиги, иқтисодий районлар ва бутун давлатимиз экономикаси кўламининг кенгайиб бораётганлиги социалистик планлаштиришда ҳисоблаш ишларини ва техника базаларини тубдан такомиллаштиришни илгари сурмоқда. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида халқ хўжалигини планлаштиришни яхшилаш учун ҳозирги замон электрон-ҳисоблаш машиналарини кенг қўллаш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Халқ хўжалигини планлаштиришда бундай машиналардан фойдаланиш минглаб кишиларни ҳисоблаш ишидан озод қилади, планларни тузиш суръатларини тезлаштиради, планлаштириш тез ва тўғри ҳал этиладиган бўлади ҳамда мавжуд хом ашё ва техникадан тўла фойдаланиш, ниҳоят ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш имконияти туғилади.

Бундан беш йил илгари Узбекистон ССР Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги Математика институти ҳузурида ҳисоблаш маркази ташкил қилинган эди. Ёш илмий ходимлар электрон-ҳисоблаш машинасини ишга солиб, ундан тўғри ва тўла фойдаланиб, назарияга ва халқ хўжалигига оид қатор масалаларни муваффақиятли ҳал этдилар.

Халқ хўжалигининг катта тармоқларидан бири — темир йўл транспортида поездлар ҳаракатини идора қилиш ва ҳисоблаш ишларини анча енгиллаштирмоқда. Темир йўл транспортида юк ташишни оз маблағ сарфлаган ҳолда кўп фойда берадиган қилиб планлаштириш талаб этиларди. Бунинг учун юк ташиш харажатларини камайтириш ҳамда ишни тегишли жойга тезроқ етказиб бериш зарурлигини эътиборга олиш лозим эди. Шунда электрон-ҳисоблаш машинасидан фойдаланишга киришилди. Жумладан, Ўрта Осиё темир йўлларида кўп ташиладиган юклардан бири тошкўмирдир. Баъзида тошкўмир эҳтиёждан ортиқ узоқ жойларга ташилади. Масалан, Ховос—Кўнғирот темир йўл бўлимида жойлашган Қирғизистон шахталарининг кўмири Узбекистонга, Ховос станциясидан узоқда жойлашган областларга, жанубий Қозоғистон ва Қирғизистон ССРнинг шимолий районларига келтирилади. Оҳангарондан қазиб олинадиган кўмир эса айни шу вақтда Узбекистоннинг ғарби-жанубий районлари ва Тожикистон ССРни таъминлаш учун Ховос станциясига томон жўнатилади. Ана шу Ўрта Осиё кўмир конлари маҳсулотини истеъмол қилувчиларга тўғри тақсимлаш учун кўп ҳисоб-китоб қилиш керак эди. Бу масалани ечишда математиканинг чизиқли программалаш усулидан фойдаланилди. Ҳисоблаш пайтида, кўмирнинг турли хиллари, уни қазиб олишдаги ва ташишдаги сарф-харажатлар назарда тутилди. Натижада кўмир ташишнинг энг қулай, оптимал схемаси ишлаб чиқилди. Агар кулранг (қоратир) кўмирни ташиш оптимал схемасини олсак, буни қўллаш натижасида ҳозиргача мавжуд схемага нисбатан 600 минг сўм маблағни тежаш мумкин. Бир хил кўмир ўрнига иккинчи хил кўмир ҳам ишлатилиши мумкин, дейилганда эса бир йилда 1,7 миллион сўм тежаш мумкинлиги равшан бўлди.

Ҳозир саноатда кўмир ўрнига нефть, газ истеъмол қилиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Кўмирни истеъмол қилувчи кўпгина саноат корхоналари газга ўтган тақдирда Ўрта Осиёнинг ёқилғи баланси ҳам ўзгаради. Ҳисоблаш марказидаги электрон машиналар бу ўзгаришнинг ҳам энг қулай ва фойдали томонларини ҳисоблаб бериши мумкин.

Кўмир ташишдаги ҳисоблаб чиқилган натижаларни цемент, химиявий ўғитлар, пахта толаси ва чигит, қурилиш материаллари ва бошқа юкларни ташишда ҳам қўлланиш мумкин. Ҳисоблаш марказининг илмий ходими Т. Отабоев 34 пахта тозалаш заводининг 12 ёр заводига бераднган чигитини темир йўлда ташишнинг энг қулай усулини ҳисоблаб чиқди. Бу масала ҳал қилингач, ҳозирги вақтдаги сарф-харажатларга нисбатан 6400 сўм пул тежаладиган бўлди.

Оғир юкларни ташишда, уларни вагонларга ёки автомашиналарга ортиш ва туширишда механизмлардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Темир йўл, автомобиль ва сув транспортида бундай механизмлардан фойдаланишнинг қулай йўлларини топиш лозим эди. Илмий ходимлардан М. Обидов ва К. Худойберганов лар уни ҳал қилишга бел боғладилар.

Темир йўлда бир кеча-кундузда бир ёки икки вагон юк келадиган кичик станциялар бор. Кўпинча кичик станцияларда юк тушириш ёки ортиш қўл кучи билан бўлади, чунки махсус механизмни муфассал тутиб туриш фойда бермайди. Чунки у станцияда бир кунда 2-4 соат ишлатилиб, бошқа вақт бекор туриб қолади. Юкларни ортиш ёки тушириш ишларини механизациялаштириш учун вагонларни бутун темир йўл участкаси бўйича ҳар бир кичик станцияларга тарқатмасдан каттароқ станцияларга тўплаш мақсадга мувофиқдир. Бу станциядан юкларни автомашиналар билан юк олувчиларга олиб бориб бериш, ёки олиб келиш мумкин. Лекин бу ерда шундай ноқулайлик туғилади: юклар йиғилган станция юк олувчидан ёки жўнатувчидан қанчалик узоқлашса, машинада юк ташиш учун кетадиган харажат шунчалик кўпаяди.

Бу масаланинг энг фойдали, қулай томонини топишда ҳам электрон-ҳисоблаш машинаси ёрдамга келди. Бунинг учун махсус программа тузилди, мисол тариқасида Ўрта Осиё темир йўлининг Қизил тўқимачи — Ховос участкаси олинди. Бу участкада 15 кичик станция бор эди. Электрон машина тўртта станцияни юк қабул қилиш ва жўнатишдан озод қилиб, бошқа станцияга уларнинг иши йиғилса ҳам вақт, ҳам маблағ тежалишини ҳисоблаб берди. Бунда автомашиналар харажати қопланибгина қолмасдан, йилига 47 минг сўмни тежаб қолиш мумкинлиги билинди.

Бу масалани оддий усулда ҳисоблаш учун ўнлаб мутахассис 10-15 кун меҳнат қилиши керак эди. «Урал-1» электрон машинаси 25-30 минутда бу масалани ҳал қилиб берди.

Об-ҳавони олдиндан билишнинг халқ хўжалигида, транспортда ва кундалик турмушда қанчалик аҳамиятга эга. Темир йўл, автомобиль ва сув транспортида бундай механизмлардан фойдаланишнинг қулай йўлларини топиш лозим эди. Илмий ходимлардан М. Обидов ва К. Худойберганов лар уни ҳал қилишга бел боғладилар.

Об-ҳавони олдиндан билишнинг халқ хўжалигида, транспортда ва кундалик турмушда қанчалик аҳамиятга эга. Аммо, об-ҳавони олдиндан билиш ўз навбатида анча мураккаб масала. Бунинг учун муттасил кузатишлар олиб бориш ва кузатишларни бир-бирига солиштириш, хулоса чиқариш керак. Бунда метеорологларга математиклар ёрдамга келдилар. Метеорология станцияларидан олинган тегишли маълумотлар махсус перфоленталарга қайд қилиниб программа тузилади. Ҳисоблаш машинасидан олинган натижалар об-ҳавони олдиндан айтиб бериш имконини беради.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. И. Губин раҳбарлигидаги илмий ходимлар об-ҳавони олдиндан билишда электрон-ҳисоблаш машинасидан фойдаланишнинг янги қулайроқ усулини яратиш устида ишламоқдалар.

Электрон-ҳисоблаш машиналарини халқ хўжалигимизнинг турли соҳаларида кенг қўлланиш мумкин.

И. УБАЙДУЛЛАЕВ,
И. ИБРОҲИМОВ,
техника фанлари кандидатлари.
С. КАРИМБЕРДИЕВА,
аспирант.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ГАЗЕТХОНЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

Газетхонлар конференцияларини ўтказиб туриш газетанинг кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқасини мустаҳкамлайди, уларнинг талаб ва истакларини муттасил билиб бориш имкониятини беради.

Яқинда Бухоро область партия комитетининг мажлислар залида бўлиб ўтган газетхонлар конференциясида ишдаги ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бор эканлиги, бусиз Ўрта Осиё тарихини тўла тасаввур этиш мумкин эмас деган тўғри хулоса чиқарилади. Асарда Ўрта Осиё ва Сибирь ўртасида алоқа ўрнатилишининг асосий сабаблари ва унинг ривожланиши тўғрисида тўла маълумот берилган. Чунончи, Сибирда мустақил хонлик ҳукмронлик қилаётган пайтларда ва у ерда рус давлати ҳокимлиги ўрнатилгандан сўнг ҳам савдо-ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги кишиларнинг эҳтиёжини қондиришга мутлақо қодир бўлмаган Сибирь Россиянинг ички томонлари билан иқтисодий жиҳатдан яхши боғланмаган. Бунга масофанинг узоқлиги ва алоқа йўлларининг ёмонлиги, Россия ўзининг чекка ўлкаларини турли хил товарлар, биринчи галда газламалар билан таъминлай олмаганлиги сабаб бўлган эди. Хуллас, қадимги вақтларда Сибирни рус давлати эгаллаб олгандан кейин ҳам унинг Ўрта Осиёда ишлаб чиқариладиган товарларга эҳтиёжи катта бўлган. Шу сабабли рус ҳукумати Сибирь орқали Ўрта Осиё билан алоқани кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Сибирда Ўрта осиёлик савдогарлар ва ҳунармандларга имтиёзлар берилди. Айни вақтда ўзбек хонликлари Сибирь билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қилди.

Асарда Сибирь орқали Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги алоқалар ҳар икки томонда ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир этганлиги яхши кўрсатилган. Автор Россия билан алоқанинг моҳиятига тўхталиб, агар Ўрта Осиёнинг Россияни чекка ўлкалари ва шу жумладан Сибирь билан алоқаси йўлга қўйилмаганида Ўрта Осиё шаҳарлари анча турғунликка учраб, мамлакатнинг аҳволи янада ёмонлашган бўлур эди, деган хулосага келади. Бу тўғри фикр, чунки Ўрта Осиё шаҳарларида Россия бозори учун кўп товар ишлаб чиқариларди. Бу эса ишлаб чиқаришнинг ўсишига, шаҳарда савдо-ҳунармандчиликнинг кенгайишига таъсир этарди. Хусусан, Тошкентнинг йирик шаҳарга айланиши ички факторлар билан бир қаторда, унинг Россия билан самарали алоқаси туфайли юз берган.

Ўрта Осиёда Россия қудратли ва келажаги порлоқ давлат сифатида таниларди. Ҳатто, ўзбек хонликлари даврида ўзаро феодал урушларга ва қалмоқларнинг ҳужумларига қарши курашмоқ учун ёрдам сўраб рус ҳукуматига мурожаат қилинган вақтлар ҳам бўлган. Узаро феодал урушлар, чет эл босқинчиларининг ҳужумлари ва оғир зулмдан сабр косаси тўлиб ўз ватанидан бош олиб кетганлар Сибирь ва Россиянинг бошқа жойларига ўрнашиб олганлар. Асарнинг тўртинчи боби ана шу масалани ёритишга бағишланган. Унда Сибирдаги бухоролик ва тошкентликларнинг савдо-ҳунармандчилик, деҳқончилик фаолиятлари кенг баён қилинган. Шунингдек, илғор рус маданиятининг бухоролик ва тошкентликларнинг татарлар билан аралашиш жараёнини умуман тўғри кўрсатган бўлса-да, бироқ масала чуқур ўрганилмагани сезилиб турибди. Лекин бу нуқсонлар асарнинг қимматини туширмайди.

Х. Зияевнинг асари тарих фанига қўшилган ҳисса бўлиб, у кенг жамоатчилик томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Ҳ. ИНОЯТОВ,
тарих фанлари доктори.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

ҚИММАТЛИ АСАР

Кўп миллатли мамлакатимиз халқлари ўртасидаги дўстликнинг тарихи жуда узоқ даврлардан бошланган. Бу дўстлик Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан сўнг социалистик қурилиш йилларида, коммунизм тантанаси учун кураш кенг авж олиб кетган ҳозирги вақтда енгилмас, жамиятимизни ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Бу эса Коммунистик партиямиз ленинча миллий сиёсати тантана қилганлигининг яққол далилидир.

Бу дўстликнинг пайдо бўлиш негизи ва шаклланиш даврларини илмий асосда ўрганиш ижтимоий фан мутахассислари олдида турган муҳим ва актуал проблемалардан биридир. Айниқса, рус халқининг ўзбек, тожик, украин, грузин ва мамлакатимиздаги бошқа халқлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг кўп асрлик тарихини ёритиш ва оммалаштириш катта илмий ҳамда сиёсий аҳамиятга эга. Бу борада Х. Зияевнинг Узбекистон Фанлар академияси нашриёти босиб чиқарган «Ўрта Осиё ва Сибирь»[1] асари диққатга сазовордир.

Асар беш бобдан иборат бўлиб, унда XVI-XIX асрлар давомида Ўрта Осиёнинг Сибирь билан олиб борган иқтисодий ва сиёсий алоқалари тўғрисида ҳикоя қилинади. Уни ўқиган киши асар автори кўп йиллар мобайнида архивда сақланаётган йиғирмага яқин нодир ва ҳали илмий ишларда фойдаланилмаган ҳужжатлардан муфассал фойдалана олганлигига қаноат ҳосил қилади. Автор тарихий ҳужжатларни чуқур ўрганиб, Россия ва Ўрта Осиё алоқаларига доир муҳим масалаларни илмий умумлаштирган. У буржуа олимларининг ва бу масалага нотўғри баҳо берган айрим совет олимларининг фикрини рад этиб, Россия ва Ўрта Осиё бир-бири билан алоқа ўрнатишдан тенг манфаатдор бўлганлигини ва бунинг асосида иқтисодий, сиёсий масалалар ётганлигини ҳаққоний таҳлил қилган.

Асарда Россия билан олиб борилган кўп асрлик алоқалар Ўрта Осиё тарихининг ажралмас қисми эканлиги тўғрисида фикр юритилар экан, бусиз Ўрта Осиё тарихини тўла тасаввур этиш мумкин эмас деган тўғри хулоса чиқарилади. Асарда Ўрта Осиё ва Сибирь ўртасида алоқа ўрнатилишининг асосий сабаблари ва унинг ривожланиши тўғрисида тўла маълумот берилган. Чунончи, Сибирда мустақил хонлик ҳукмронлик қилаётган пайтларда ва у ерда рус давлати ҳокимлиги ўрнатилгандан сўнг ҳам савдо-ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги кишиларнинг эҳтиёжини қондиришга мутлақо қодир бўлмаган Сибирь Россиянинг ички томонлари билан иқтисодий жиҳатдан яхши боғланмаган. Бунга масофанинг узоқлиги ва алоқа йўлларининг ёмонлиги, Россия ўзининг чекка ўлкаларини турли хил товарлар, биринчи галда газламалар билан таъминлай олмаганлиги сабаб бўлган эди. Хуллас, қадимги вақтларда Сибирни рус давлати эгаллаб олгандан кейин ҳам унинг Ўрта Осиёда ишлаб чиқариладиган товарларга эҳтиёжи катта бўлган. Шу сабабли рус ҳукумати Сибирь орқали Ўрта Осиё билан алоқани кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Сибирда Ўрта осиёлик савдогарлар ва ҳунармандларга имтиёзлар берилди. Айни вақтда ўзбек хонликлари Сибирь билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларни кучайтиришга ҳаракат қилди.

Асарда Сибирь орқали Ўрта Осиё ва Россия ўртасидаги алоқалар ҳар икки томонда ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир этганлиги яхши кўрсатилган. Автор Россия билан алоқанинг моҳиятига тўхталиб, агар Ўрта Осиёнинг Россияни чекка ўлкалари ва шу жумладан Сибирь билан алоқаси йўлга қўйилмаганида Ўрта Осиё шаҳарлари анча турғунликка учраб, мамлакатнинг аҳволи янада ёмонлашган бўлур эди, деган хулосага келади. Бу тўғри фикр, чунки Ўрта Осиё шаҳарларида Россия бозори учун кўп товар ишлаб чиқариларди. Бу эса ишлаб чиқаришнинг ўсишига, шаҳарда савдо-ҳунармандчиликнинг кенгайишига таъсир этарди. Хусусан, Тошкентнинг йирик шаҳарга айланиши ички факторлар билан бир қаторда, унинг Россия билан самарали алоқаси туфайли юз берган.

Ўрта Осиёда Россия қудратли ва келажаги порлоқ давлат сифатида таниларди. Ҳатто, ўзбек хонликлари даврида ўзаро феодал урушларга ва қалмоқларнинг ҳужумларига қарши курашмоқ учун ёрдам сўраб рус ҳукуматига мурожаат қилинган вақтлар ҳам бўлган. Узаро феодал урушлар, чет эл босқинчиларининг ҳужумлари ва оғир зулмдан сабр косаси тўлиб ўз ватанидан бош олиб кетганлар Сибирь ва Россиянинг бошқа жойларига ўрнашиб олганлар. Асарнинг тўртинчи боби ана шу масалани ёритишга бағишланган. Унда Сибирдаги бухоролик ва тошкентликларнинг савдо-ҳунармандчилик, деҳқончилик фаолиятлари кенг баён қилинган. Шунингдек, илғор рус маданиятининг бухоролик ва тошкентликларнинг татарлар билан аралашиш жараёнини умуман тўғри кўрсатган бўлса-да, бироқ масала чуқур ўрганилмагани сезилиб турибди. Лекин бу нуқсонлар асарнинг қимматини туширмайди.

Х. Зияевнинг асари тарих фанига қўшилган ҳисса бўлиб, у кенг жамоатчилик томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

Асар нуқсонлардан ҳам холи эмас. Чунончи, Ўрта Осиёнинг Сибирь хонлиги билан алоқаси юзаки ёзилган. Бу даврга оид айрим қимматли далиллар асосида тўғри фикр юритилган бўлса ҳам, улар масалани чуқур ҳал қилишга ёрдам бермаган. Сибирь Россия томонидан босиб олинганидан сўнг Кучумхон авлодлари ва ўзбек хонликлари ўртасидаги муносабатларга етарли эътибор берилмаган. Маълумки, Кучумхон авлодлари Сибирда хонликни тиклаш учун узоқ вақт кураш олиб борган эди. Асарда XVI-XVIII асрларга оид шарқ қўлёзмаларидан фойдаланилмаган. Фикримизча, автор Сибирдаги бухоролик ва тошкентликларнинг татарлар билан аралашиш жараёнини умуман тўғри кўрсатган бўлса-да, бироқ масала чуқур ўрганилмагани сезилиб турибди. Лекин бу нуқсонлар асарнинг қимматини туширмайди.

Х. ИНОЯТОВ,
тарих фанлари доктори.

[1] Х. Зияев. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIX асрлар). Масъул муҳаррир УзССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Я. Ғ. Ғуломов. Тошкент, 1962 йил.

Ҳаётдан сатрлар

● Ўқишни меҳнат билан қўшиб олиб бораётган Қарши давлат педагогика институтининг бошланғич таълим методикаси факультетининг студентлари шаҳар мактабларида педагогик практика ўтказишмоқда.

Н. СУЯРОВ.

● Марғилон шаҳар поликлиникаси ва болалар консультацияси қошида махсус дорихоналар ташкил қилинди. Бу — меҳнаткашларга медицина хизматини яхшилаш имконини берди.

А. ТОЛИПОВ.

● Яқинда Вревскийдаги қишлоқ хўжалик техникумининг студентлари Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Калинин номли колхознинг илғор маккажўхорикор бригадасининг бошлиғи Роза Отабоева билан учрашдилар. Моҳир маккажўхорикор студентларга ўз тажрибаларини сўзлаб берди.

А. ШЕРАЛИЕВ.

ЮЗ СОВЛИҚДАН 160 ҚЎЗИ

БУХОРО, («Қизил Узбекистон» мухбири). Навоий бошқармасидаги «Конимех» совхозининг чорвадорлари қўзилатиш кампаниясини зўр уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Қишловдан семиз ва соғлом чиққан совлиқлар анча барвақт қўзилай бошлади.

Ўртоқ Ибрай Айимбетов мудирлик қилаётган ферма чорвадорлари айниқса яхши кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар. Фермадаги 15 минг совлиқнинг қарийб 9 минг боши қўзилади. Илғор чўпон Сайлихон Абдураҳмонов отаридаги ҳар юз бош совлиқдан 160 тадан қўзи олинди. Унинг шогирди Урдабой Хусенов ҳам кўзилатишда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Совхозда наслга қўзи қолдириш, қоракўл териларни ошлаш ҳам намунали ташкил этилган.

ДЕПУТАТ — ХАЛҚ ХИЗМАТКОРИ

БРИГАДИР

Бир неча кундан буён оловнинг тафтидай иссиқ шамол тинимсиз эсиб турибди. Ернинг нами кетиб, ғўзалар чанқагандан сарғая бошлади.

Шу куни кечқурун бригадир колхоз раиси Лев Иванович Канинг олдига бориб, аҳволни айтди. Сунъий ёмғир ёғдирувчи агрегатни ишга солиш керак деган фикрни ўртага қўйди. Колхоз бўйича биттагина агрегат бор. У маҳалларда бу машинанинг нималигини ҳар ким ҳам тушунавермасди. Ғўза эгат орқали суғориларди.

Лев Иванович одатича бир зум жим турди-да, сўнг бригадирга қараб:

— Янги ер сувни кўп талаб этади. Сув эса камчил. Дождевалькани ишлата олармикинсизлар? — деб сўради.

— Агрегатни бераверинг, ишлатамиз. — деди Николай Ли қатъий.

Бригадир кечаси билан эртанги иш тўғрисида ўйлаб чиқди: «Ғўза гуллаб қолди, борди-ю агрегатдан фойдалана олмасак, унда нима бўлади? Колхозчиларнинг салкам бир йил қилган меҳнати бекор кетадими? Ахир, 208 гектар ғўзани механизм билан суғориш осонми? Сув зовурлардан оқиб чиқадиган участкаларни қўл билан суғориб, тепадаги беш картани машина билан суғорсак... У карталарни қўлда суғориб бўлмайди, ўпқон уриб, сувни тортиб кетаверади. Машина билан суғорсак, қатор оралари яхши намланади. Культивация қилишга ҳам осон бўлади».

Николай озгина кўз илинтириб олди-да, тонг саҳарда далага кетди. Агрегатни бригадирнинг ўзи бошқарди. Иш кутганидай бўлди: агрегат яхши ишлади. Ғўзалар сув-ёмғирни мириқиб эмиб, чангдан тозаланиб, ям-яшил бўлиб қоларди. Бир оздан сўнг агрегатни бошқаришни механизатор Левга топшириб, ўзи сувга қонаётган ғўзаларни оралаб кетди. Сув томчилари унинг юзини ювар, енгидан оқиб тушарди.

Бу участка эртасига культивация қилинди. Қатор оралари юмшатилгандан кейин ғўзалар икки ҳафтача чанқамай турди...

Ўша йили бригада гектар бошига 52,8 центнердан ҳосил олди. Етиштирилган ҳосил бригаданинг ҳар аъзосига роса 50 тоннадан тўғри келди. Шу пайтгача бундай кўрсаткичга ҳеч қайси бригада эришмаган эди. Николай биринчи марта ана шундай катта ғалабани 1959 йилда қўлга киритди. Бригада ўтган йили ҳам мўл ҳосил йиғиб олди.

Николай Васильевич жуда ёшлигидан меҳнат қила бошлади. 1939 йилда механизаторлар курсини битириб, йигирма йил трактор минди — ер ҳайдади, буғдой экди. 1959 йилдан бери «Заря коммунизма» колхозида бригадир бўлиб ишлаяпти.

Яқинда ҳамкишлоқлари катта ишонч билдириб, Николай Лини Узбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайлашди.

...Эрта тонгда Николай далага борди. Шидгор ўхлаган боладай жимгина нафас оларди. Чор тарафдан баҳор ҳиди таралади. Қушлар ҳам сайрашиб, баҳор келганини дараклаяпти. Бригадир кеча гўнг тўкилган далачи кўриб, йигитларига раҳмат айтди дилида.

— Мен кенгашга кетяпман. Иш ўзларингга қолди, — деди бригадир. Йигитлар «хавотир олмай, бориб келаверинг» дейишди. Шу пайт моторнинг гуриллагани эшитилди. Қараса, ёнғоқ ортган тележка келяпти.

— Хорманг, саркор, — деди ҳушчақчақ трактерчи Қолибек Сафарбоев. — Бугун ҳам ишни дўндирамиз. Бир гектар ерга 400 килограммдан суперфосфат, бир тонналаб маҳаллий ўғит тўкяпмиз.

— Кўрдим, —жилмайиб қўлди бригадир,—ишларинг чакки эмас. Қолибек офтоб нурида товланиб ётган шудгорни кўрсатиб:

— Каранг-а, роса семирибдими?! Бу йил элликнинг юқорисини кўзлайверинг, саркор, — деди.

— Ваъдамиз ҳам шундай — дея трактерчининг гапини маъқуллади Николай.—Ерни тўйдирсанг, у ҳам сени дард қўймайди.

Бригадада одам кам. Ҳаммаси бўлиб 15 киши. Лекин уларнинг ҳаммаси механизатор, бу ерда ғўза қатор ораларини ишлаш, суғориш, ўғитлаш ҳосилни йиғиб-териб олиш — хуллас барча иш процесслари механизация кучи билан бажарилади.

Бригада коллективи устьлабинскликлар ва янгийўлликлар ташаббусига жавобан социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Етти йилликнинг бешинчи йилида 202 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» ундиришга аҳд қилишди. Лафзи халол пахтакорлар мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирлашяпти.

...Ойдин кеча. Кўкдаги юлдузлар қизларнинг бўйнидаги марваридларга ялтирайди. Кўча ёқасидаги оқ қайин новдалари тунги шабадада аста шивирлайди. Маданият саройидан ёқимли музика оҳанги гўё ёшларни бу ёққа келинг деб чорлагандай таралади. Ҳашаматли оқ уйлар дераза-ларидан Ильич чироғи порлаб турибди. Қайси уй ёнидан ўтманг, шодлик, бахтиёрлик гурунгини эшитасиз, дилингиз қувонади. Анави катта ҳовли ортида «Волга» турган айвон томига телевизор антеннаси ўрнатилган ҳашаматли оқ уй Николайники. Тажрибакор механизатор, моҳир пахтакор даладан қайтади-да, ҳовли эшигини очиши билан фарзандлари югуриб чиқишади.

Ҳа, Николай Ли меҳнаткаш деҳқонгина емас, меҳрибон тарбиячи ҳамдир.

Д. МАДЕРОВ,
Сирдарё область, Киров ишлаб чиқариш бошқармаси.

ОТАЛАРЧА ҒАМХЎРЛИККА ЖАВОБ

Жонажон партиямиз Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг пахтани харид қилиш ва топшириш нархини ошириш ва пахтакор колхозларга ғалла сотиш тўғрисидаги қарори колхозимиз аъзоларини ғоят хурсанд қилди.

Етти йилликнинг бешинчи йилида колхозчиларимиз 2015 гектар майдоннинг ҳар гектаридан она-Ватанга 26,3 центнердан «оқ олтин» етказиб бериш ниятиёқида ишлаётирлар. Партия ва ҳукуматимиз қарорида шу йилнинг ўзида пахтани харид нархи 20 процент оширилиши кўрсатилган. Шуни ҳисобга олганимизда бу йил колхозимиз давлатга 5 минг 300 тоннадан ортиқ пахта сотиб, унинг эвазига ўтган йилга нисбатан 329 минг 88 сўм ортиқча даромад олган бўлади.

Пахтакорлар тўғрисида шундай ғамхўрлик қилинаётган экан, биз унга жавобан янада унумлироқ ишлашимиз, мамлакатга кўпроқ қимматли хом ашё етказиб беришимиз керак. Ана шу ғамхўрликни пахтачиликни ривожлантиришда янги босқич деб тушунган колхозчиларимиз чигит экишни зўр уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. 300 гектар майдонга чигит экилди. Ҳалим Ҳамидов, Абдулла Кўкламов, Хожи Ашуров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳар куни 10-12 гектар майдонга чигит экилмоқда. Сеялкачилардан Қаюм Муҳаммедов, Усмон Ҳайитов, Асқар Сулаймонов ўртоқлар чигитни сифатли тайёрланган ерларга нормал чуқурлинда экаётирлар. Ўртоқ А. Сулаймонов ҳар куни 7-8 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экмоқда.

Биз чигит экишни узоғи билан 8-10 иш кунида тугаллаб, уни ернинг ўз намига ундириб оламиз. Бундан кейинги ишларни ҳам қулай агротехника муддатларида юқори сифатли ўтказиб, барча майдонларда мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирамиз.

Т. ХОТАМОВ,
Бухоро область, Ромитан ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз раиси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Пахтакор 1-«Далварзин» совхозининг 4-бўлимидаги Жўра Саидхўжаев бошлиқ 4-бригадасида чигит экиш яхши боряпти. 98 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» топшириш мажбурияти олинган бу бригадада асосий майдонларга чигит прогрессив усулда экиляпти. Суратда, 4-бригаданинг тракторчиси Наим ҒОЗИЕВ, сеялкачи Эргаш РАСУЛЕВ ва контролёр Очил АҲМЕДОВ ўртоқлар чигитни 60х45 сантиметр схемасида квадрат-уялаб экмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИКСИЗ КИРИШИЛДИ

Қизил Ўзбекистон рейди

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси меҳнаткашлари етти йилликнинг бешинчи йилида ҳар гектар ердан 18,2 центнердан ҳосил етиштириш, давлатга камида 245 минг тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олганлар.

Бу мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун аввало пахта тайёргарлик кўриб, чигитни сифатли экиб олиш керак. Буни англаган Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармаси пахтакорларига дала ишларини вақтида ўтказмоқдалар. Бу ерда ҳамма қишлоқ хўжалик машиналари шай қилиб қўйилди. Кўпгина хўжаликлар ер ҳайдаш, ўғит чиқариш, шўр ювиш ишларини тугаллаб, экишга киришдилар.

СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Обожон Дурдиев раислик қилаётган Максим Горький номли колхоз аъзолари ўтган йили давлатга салкам 10 минг тонна «оқ олтин» сотиб, планларини ошириб бажарган эдилар. Қ. Сапаров бошлиқ бригада аъзолари 154 гектар ернинг ҳар гектаридан 49,7 центнердан, Б. Жумагелдиев, А. Есенов раҳбарлик қилаётган бригадалар 34-37 центнердан ҳосил кўтарганлар. Бу бригадалар бу йил 45-50 центнерчилар ҳаракатига қўшилиб, гектар бошига 14-16 тоннадан маҳаллий ўғит жамгардилар, ҳамма экин майдонларини қондириб суғордилар.

«Партия XXI съезди» колхозида 4000 гектар майдонда 11000 тонна «оқ олтин» етиштириш учун шу кунларда барча куч ва техника дала ишларига сафарбар этилган. Ҳар бир тракторчи кунлик ер ҳайдаш нормасини 1,5-2 баравар бажаряпти. Ленин номли, «Ленинград» ва бошқа колхозларда ҳам дала ишлари намунали ташкил қилинган. Бошқарма бўйича 85 минг 500 тонна «оқ олтин» етиштириш учун ҳамма резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Лекин, Автоном республиканинг бошқа ишлаб чиқариш бошқармаларида иш ниҳоятда қониқарсиз бормоқда. Кўпчилик хўжаликларда экиш даври етиб келгани ҳис қилинмаяпти. Хўжайли ишлаб чиқариш бошқармаси ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажармади. Шунга қарамасдан, бошқармадаги хўжаликлар ўтган йилги хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олган эмаслар. Улар бу йил 36000 гектар майдонга чигит экиб, камида 52 минг 400 тонна «оқ олтин» етиштиришлари керак. Лекин, хўжаликларда кўклам экишига тайёргарлик ўлда-жўлда.

Охунбобоев номли колхозда 17 та «ДТ-54» трактори бор. Ер ҳайдашда эса 78 трактор қатнашяпти, холос. 1 та «ДТ-54», 3 та «ДТ-24» трактори ва 3 та сеялка ҳалигача ремонт қилинмаган. Колхоз раиси Б. Қурбонов, партия ташкилотининг секретари Б. Файзуллаев ўртоқлар колхозчиларнинг унумли ишлаши учун яхши шароит яратиб бериш ҳақида ўйламаётирлар. Далада ишловчилар учун иссиқ овқат ташкил қилинмаган. Болалик оналарни ишлаб чиқаришга кўпроқ жалб қилиш учун боғча, ясли йўқ ҳисоб.

Свердлов номли совхозда ўтган йили пахта тайёрлаш плани 82 процентда колган эди. Бунга экиш олди ишларининг сифатсиз бажарилганлиги асосий сабаб бўлган эди. Афсуски, бу йил ҳам шундай. Ж. Олломуродов, О. Қуламетов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бўлимларда далага маҳаллий ўғит чиқариш, ер ҳайдаш, текислаш ва суғориш ишлари пайсалга солинмоқда. Бўлимларда сув кўп бўлишига қарамасдан, ундан рационал фойдаланилмаяпти. Суткасига 100-200 гектар ер суғориш мумкин бўлгани ҳолда атиги 40-45 гектар майдон суғорилмоқда. 57 та «ДТ-54» тракторидан 20 таси, 90 та «ДТ-24» тракторидан 55 тасигина ремонтдан чиқарилди. Қишлоқ хўжалик машиналарини тезроқ тахт қилиб қўйиш учун совхоз раҳбарлари (директори Ў. Матниёзов, партия ташкилоти секретари Ў. Далжонов ўртоқлар) бирор амалий тадбир кўрмаётирлар. Калинин номли, Карл Маркс номли колхозларда, «Амударё», «Қўнғирот» совхозларида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин.

Умуман бошқармада техника ремонти жуда суст. 1069 чопиқ трактиридан энди 453 таси, 823 культиватордан 114 таси, 562 сеялкадан 339 таси ремонт қилинган, холос. Бунинг устига трактерчи ва механик-ҳайдовчи кадрлар тайёрлаш иши қониқарсиз ташкил этилган. Айниқса Охунбобоев номли, Карл Маркс номли, Калинин номли колхозларнинг раҳбарлари бу масалага ҳаддан ташқари эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Охунбобоев номли колхозда 4 ойлик курсда 25 киши ўқиши керак эди. Шундан 8 киши, Карл Маркс номли колхозда 25 киши ўрнига 15 киши, Калинин номли колхозда 12 киши ўрнига 7 киши ўқимоқда. 6 ойлик курсларда эса шу хўжаликларнинг ҳар биридан 8 киши ўрнига 1-2 киши қатнашмоқда.

27100 гектар майдонга чигит экиб, 40.000 тонна «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олган Чимбой ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар чигит экишга яна ҳам ёмон тайёргарлик билан киришмоқдалар. 758 та чопиқ трактиридан 259 таси, 687 культиватордан 85 таси, 548 сеялкадан 286 таси энди ремонтдан чиқарилганлиги бунинг далилидир. «Кенес» совхозида 153 чопиқ трактиридан 107 таси, 111 сеялкадан 47 таси, 123 трактор культиваторидан 14 таси тайёр, холос. Экиш олди ишларининг бошқа турлари кўздан кечирилганда, бу бошқармада аҳволнинг нақадар ёмон экани яна ҳам аниқ кўринди.

Чигит экиш бошланган бўлса ҳам, Калинин номли совхозда 3800 гектар майдондан энди 1800 гектаригина текисланган. Бунинг устига ишнинг сифати паст. Совхозда 2600 гектарга 60х30 сантиметр схемасида, 600 гектарга 50х50 сантиметр схемасида чигит экилади. Гектарларнинг тўлиқ бўлиши ва тўла нихол олиш учун ерларни сифатли ишлаш, қондириб суғориш, ерни тўйдириш зарур. Афсуски совхозда 40 та «ДТ-54» тракторидан фақат 20 таси билан ер ҳайдаляпти. 34 насосдан фақат 8 таси ишлаяпти. Х.Embергенов раҳбарлик қилаётган бригадада 3 трактор билан кунига 5 гектар ер ҳайдалмоқда. Бундай мисолларни совхознинг ҳар бир бўлимидан келтириш мумкин. Совхоз раҳбарлари (директори И. Арздов, партия ташкилотининг секретари Ў. Маҳаматдинов, бош агроном С. Тўракеев ўртоқлар) мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун ишда ўзгариш ясашлари керак. Далада ишлаётган 823 ишчидан 500-550 ишчи кунлик нормаларини бажармаётир.

Автоном республиканинг партия, совет ва хўжалик ташкилотлари чигит экишдаги камчиликларни тезда тугатишлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги мутахассислари экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун барча ишчи кучлари ва техникани ер текислаш, маҳаллий ўғит тўплаш, сувдан рационал фойдаланишга сафарбар қилмоқлари керак.

А. ЖУМАГУЛОВ,
Б. УЗОҚОВ,
«Совет Қорақалпоғистони» газетаси ходимлари.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ЎЙБЕКНИНГ ЯНГИ ПОВЕСТИ

Ўзбек совет адабиёти кейинги вақтларда яратилган кўпгина асарлар билан бойимоқда — атоқли ёзувчи Ойбекнинг «Болалик» повести шундай муҳим ва ғоятда қимматли асарлар жумласидандир. «Болалик»[1] — автобиографик қиссадир. Кичкина Мусавой образи асарнинг марказида туради ва унда тасвирланган барча кишилар, воқеа ва ҳодисалар шу бола тушунчаси ва таассуротлари доирасида қуюқ мазмунли ҳикоя қилинади. Повестда ҳаёт кенг ва чуқур қамраб олинган: асар 1909—1917 йиллардаги Тошкент ҳаёти тўғрисида, болалар турмуши, уларнинг ўйин-кулгилари, фикр, тушунча ва қизиқиш доиралари, улар билан катталар ўртасида ота-оналик, аканаканалик, опа-сингиллик, қардошлик ва дўстлик ҳамда таниш-билишлик муносабатлари, катталарнинг сермашаққат ва оғир меҳнати, ҳар хил кайфи-ҳоли ва ташқи кўринишларининг уларга таъсири, жафокаш косибларнинг ҳоргин ва заъфарон кўринишининг болаларда қолдирган дардли таассуротлари, халқлар дўстлиги, синфий кураш лавҳалари, революциянинг халқ орасига қанот ёзиб, кириб бориши тўғрисида, Улуғ Октябрь ҳақида, демак ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва қаҳрамонларнинг шахсий турмуши тўғрисида яхшигина маълумот беради, унинг реалистик образлари, тасвирий кучи ва ғўзал бадиий тили китобхонда эстетик завқ уйғотади, уни руҳан бойитади.

«Болалик» повестининг марказий фигураси — кичкинтой Муса образи. Муса образида авторнинг болалик чоғларидаги энг соф ва ғўзал, беғубор ва қайноқ қалб тўлқинлари ўз ифодасини топган. Унинг шўхлиги ва самимийлиги кишини мафтун этади, бағрига тортади, юрагингизга унга жавоб жўшқин ҳислар, муҳаббат туйғулари уйғона бошлайди. Бу мазкур образнинг жонлилигидан, ҳаётий кучидан, ҳаққонийлигидан далолат беради. Чунки Мусанинг характери борган сари чуқур очила боради, оқибат бутун тўлалиги билан кўз олдимизда гавдаланади.

Повестни ўқишга киришишимиз биланоқ кичкина Муса бизнинг диққатимизни ўзига тортади, бизга қачондир учраган ва маълум бўлган ҳодиса ва манзараларни эслатади, болалигимизни яна бир марта кўз олдимизга келтиришга ундайди. Натижада қандайдир умумийлик туғилади ва у китобхонни ҳар икки томоннинг (қаҳрамон ва китобхоннинг) маълум даврдаги ҳаёти билан қизиқтириб қўяди. Бунда ҳар хил ёшдаги китобхонлар қаҳрамоннинг ҳаётига, фикр-мулоҳазаларига, ҳис-туйғуларига ва орзу-умидларига нисбатан турлича муносабатда бўлади. Лекин уни яхши кўриб қолмаган, унинг сўз ва ҳаракатларидан завқланмаган киши камдан-кам топилиши мумкин. Чунки, ҳар ҳолда эстетик завқ ҳаммада ҳам бир хил савияда эмас-да, ахир. Қаҳрамоннинг бундай таъсир кучи нимада? Бизнингча унинг таъсир кучи, биринчидан, қаҳрамон образининг реалистиклигида, яъни ўзининг индивидуал, конкрет образида ўша давр болаларининг кўпчилигига ёки катта бир қисмига хос ҳислатларни типиклаштирилганлигида: иккинчидан, тасвирланаётган воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаққонийлигига китобхонни ишонтира олишида: учинчидан, асар тилининг ёркинлигида, образлилигида ва эмоционаллигида, яъни бадиий сўз воситаларининг мўлжалга аниқ етишида. Бу ўринда юракдан чиққан сўзгина юракка йўл топа олади, деган халқ иборасини эслатмоқ ўринлидир.

Қиссанинг бошларида биз Мусанинг муҳити билан танишамиз, ақлли ва салобатли, кўнгилчан ва меҳрибон бувасини кўрамиз, онасининг ижтимоий тенгсизликни бола кўзи олдида биринчи марта фош этувчи сўзларини эшитамиз, бу сўзларнинг Мусавойда қанчалик қаттиқ таъсир қолдирганини, унинг кўзини очаётганини чуқур сезамиз. Ҳақиқатан ҳам айрим кишилар ва оилалар ҳаётининг тасвири маълум ҳалқ ва мамлакат хаётининг муҳим томонларини, етакчи тенденцияларини яққол кўришга ёрдам бергандагина аҳамият касб этади. Шу принципда ижод қилувчи санъаткорда оилавий ёки шахсий ҳаётнинг ижро-чиқирлари ичида ўралашиб қолиш хавфи камроқ бўлади.

Катта санъаткорнинг фикри кичикликданоқ очила борган тарихий воқеалар ва бадиий ижод намуналари билан бойиган. Бунда бувалар, бувилар, энагалар, оналар ва оталар катта роль ўйнаганлар. Мусанинг бобоси ҳам ўз неварасига бўлган муҳаббати ва эртанкамо сухбатлари билан Пушкининг энагасини, С. Айнийнинг Тўтапошшасини, Х. Олимжоннинг онасини эслатади. Болаларга кичикликдан эртаклар айтиб бериш ёки ўқитишнинг роли катта, чунки уларнинг фикр ва билим доирасини чексиз кенгайтириб юборади, уларни келгусида ижодкор (олим, санъаткор, инженер ва ҳоказо) бўлиб етишишга ҳозирлайди.

Кичиклигида бувасидан эртаклар, ашула ва қўшиқлар ҳамда ҳар хил тарихий лавҳалар эшитган Муса болалик чоғларидаёқ кичик-кичик ашулалар тўқий бошлайди ва айтиб юради. Бу ашулалар бевосита конкрет ҳаёт багрида туғилади. Мана улардан бири:

Қорда қарға чўмилди,
Икки кўзи кўмилди.
Бувимнинг қўлидаги
Қосов билан қувилди.
Минишга улов бўлса,
Қиш келди, олов бўлса
Қор қалин, совуқ қаттиқ,
Сергўшт, ёғлиқ палов
бўлса!

Мисолдан кўринишича, Мусавойлар хонадони ўша даврдаги камбағал оилалардан бири бўлган, чунки: «Дастурхонда ҳар кунги нон, фақат нон. Ёғ ҳам йўқ, сут ҳам йўқ. Сигирни аллақачон сотиб юборганмиз. Қанд ҳам йўқ, туршак ҳам йўқ. «Ҳеч бўлмаганда жийда бўлса-чи» деб ўйлайман ичимда, аммо индамайман. Иса билан Карим опам нари-бери нон чайнаб, бир пиёладан чой ичишади-да, жилдларини бўйнига осиб, мактабга югурашади. Мен ҳам уларга эргашиб, кўчага югураман».

Ойбекнинг бадиий маҳорати шундаки, ҳаётни реалистик тасвирлашда у барча имкониятлардан тўла фойдалана билади, давр руҳини, кишилар характерини чуқур сезади ва идрок этади, ҳар бир ҳодисани ичидан очади.

Ёзувчининг кўзидан биронта ҳам муҳим воқеа қочиб қутула олмайди: «У оғир, рангпар, қаримсиқ юзли» косибларни ҳам, қўлиқўлига тегмай ишлайдиган тақачиларни ҳам, улоқ чопишга шайланиб турган чавандозларни ҳам, бозор шов-шувларини ҳам, сувга тушиб кетган болани олиб чиқиш учун муз ёрғичдан сувга шўнғиб чиққан лаванг Махсумни ҳам, мактаб хаётини ҳам. Навоий, Ҳофиз ва Фузулий шеърларининг севиб ўқилишини ҳам, аравакашлар муҳитини ҳам, козоқлар турмуши ва санъатини ҳам, табиат манзараларининг гўзаллигини ҳам лўндалўнда ҳикоя қилиб ўтади, унутилмас гўзал таассуротлар қолдиради.

Тасвирланаётган давр ҳақида мумкин қадар тўлароқ ва теранроқ бадиий таассурот қолдириш учун автор повестга бирин-кетин ўнлаб кишиларни олиб киради, уларнинг ўз муҳитига ва атрофдагиларга бўлган муносабатини жонли эпик тасвирда ёки табиий суҳбат-диалогларда очади, кишиларнинг портретини эса бир-икки сўз билан чизиб ўтади. Масалан: «Дадам Тошмуҳаммад баланд бўйли, сариқдан келган, соқол-мўйлови қора, усти-боши кўполгина киши эди».

Повестдаги ҳар бир персонажнинг ўзига хос кўриниши ва характери бор.

Ойбек ижтимоий муносабатларни бадиий гавдалантирганда уларнинг эволюцион ва революцион ривожланиш қонуниятларига изчил риоя қилиб боради: кичкинтой Муса ҳали тўрт ёшга ҳам етмаган вақтларида буларнинг уйидаги ҳамма бугдой ва ёнғоқларни қоплаб, от ва эшакларга юклаб олиб кетган бой-хўжайинга нисбатан газабланади, кейинчалик кўплаб Мусавойларнинг газаб ва нафрати кескин синфий тўқнашувларга олиб келади. Буни Катта ховуз бўйидаги самоварда бўлган кичик, лекин кучли конфликтда ҳам кўриш мумкин: «Самоварда одам қалин. Бир бой кроватда керилиб, мағрур ўтирибди. Қошлари бароқ, гавдаси думалоқ, бақбақаси бўйнига сиғмайди.

— Кўр бўлгур, бокдим, ош бердим, кийим бердим, ҳароми! — деб кимнидир сўкмоқда.

Мен у ёқ-бу ёққа қарайман ва четда якка ўтирган қоролни кўраман. Гавдаси пишиқ, аммо жуда орик, ўттиздан ошган-у, юзида ажин, усти-боши кир, ямоқ.

— Оллодан кўрқ, лаънати, мўмин қобил одам эдинг, бирдан айнадинг. Бузуқи хотинларга эргашдингми?

Қоролнинг ранги қум ўчиб, газабдан оқариб кетган. Кўзларида кин ва газаб ёнади. Менда бойга нисбатан ичимда нафрат тўлқинланиб кетади.

— Бас ювинди ичиб азоб-у уқубатда, машаққатда юрдим. Саккиз йил бўлади даргоҳингизга келганимга, бой ака, ҳар куни иш, доим иш, от-арава, экин-текин, пахта тер, беда ўр, ҳаммаси елкамда. Инсофи йўқ! — дейди одамларга қараб қоролъ».

Ўтирганлардан бири бойни ёқлаганда, бу ёқдагилар унга зарба беришади, қоролни ҳимоя қилиб, бойдан унинг саккиз йиллик иш ҳақини беришни талаб қилишади.

Автор маҳаллий меҳнаткашларнинг рус ишчилари билан, Россияда сургунда бўлиб келганлар билан дўстона алоқасини очиш орқали уларнинг кучи енгилмаслиги — бирликда, жанговар бирликда, деган фикрни тасдиқлайди.

— «Балли рус ишчиларига, бизларнинг кўзимизни очишди!» — дейди маҳаллий меҳнаткашлардан бири. Бу, эса бутун ўзбек халқининг гапи, офарини ва таҳсини эди.

Тошкентда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қозонганини ёзувчи бир неча саҳифаларда асар қаҳрамонлари номидан баён қилади, уларнинг суҳбатлари орқали революциянинг буюк моҳиятини очади.

Ойбекнинг повестида болалар билан бир қаторда катталар ҳам тасвирланган. Бу табиий бир ҳол. Чунки ҳаётда шундай. Болалар катталар билан бирга яшайдилар, катталар атрофида юрадилар, ўқийдилар ва ишлайдилар. Шунинг учун ҳам «Болалар учун ёзилган асарда фақат болаларнинг ўзигина бўлиши, катталарнинг эса бўлмаслиги керак», деган «назария» сохта назариядир.

Повесть автор лиризми билан суғорилган. Унда сатирик ва айниқса, юмористик кулги ҳам анча топилади.

Айниқса, характер яратганда, табиат кўринишларини тасвирлаганда Ойбекнинг тили ўзининг бадиий кучини кўрсатади.

«Болалик» повести совет адабиётимизга кўшилган бебаҳо ҳиссадир.

Н. РАҲИМОВ,
филология фанлари кандидати.

[1] **Ойбек. «Болалик». Повесть. («Шарқ Юлдузи» журнали, 1962, № 1-3, 5, 9-11).**



Суратда: Қўйлиқ инерт материаллар карьеридаги саралаш фабрикасининг умумий кўриниши. Бу — Совет Иттифоқидаги иккинчи ана шундай фабрикадир. Корхонада тайёрланган қурилиш материаллари Тошкент шаҳридаги уй-жой массивлари қурилишларига юборилмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ҚИЛ ЎРНИГА ТОЛА

Фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш мақсадида, 1961 йил декабрь ойида «Ташгельмаш» заводида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси механика институтининг машинасозлик технологияси бўйича илмий текшириш лабораторияси ташкил этилди. Бу — республика заводларида биринчи илмий лаборатория эди.

Лаборатория фаолиятини бошлашданоқ муҳим проблемаларни ҳал этишга киришди. «ХВС-1,2» машинасидаги шпинделдан пахта толасини ажратиб олувчи съёмник шчёткасини ишлаб чиқариш керак эди. Ҳар бир машинада 16 тадан барабан, ҳар қайси барабанда эса 8 тадан шчётка бор. Шчётканинг алюминдан қилинган қисми заводга 3-4 метр узунликда келтирилади. Кейин махсус станокда 614 миллиметрдан қилиб кесилади. Орқа томонига арқача ўтилгач, 70 та икки поғанали тешик тешилади. Бу ишларга жуда кўп вақт кетади. Операцияларни бирлаштириш, вақтни тежаш мумкин эмасмикин, деган проблема туғилди. Лаборатория илмий ходимлари завод бош технологи Виктор Анотович Константопуло, бош инженер Иосиф Игнатьевич Майсинович ва бошқалар уни ҳал қилишга киришдилар.

Узоқ изланишлар ўз самарасини берди: заводда шчётка толасини ишлаб чиқарувчи автоматик линия ишга туширилди. Энди бигди деганда, ипнинг «лекини» чиқиб қолди: алюмин асосга шчётка толасини териш машаққатли иш эди. Алюмин асослар Тошкент шчётка фабрикасига юборилар, у ерда қил терилгач, яна заводга келтирилар, толаларнинг маҳкам ушлаб қолиши учун махсус бўёқ билан бўялар эди. Бунинг устига мол қили ҳам чет элдан олтин ҳисобида сотиб олинарди.

Яна изланишлар, синовлар бошланиб кетди. Лабораториянинг старший илмий ходимлари Жалил Ҳалилов, Станислав Георгиевич Каверин, кичик илмий ходимлар Маъсуд Акбаров, Эркин Умаров ва бошқалар ниҳоят шчёткани капрондан ясаш мумкинлигини исботлашди. Шуниси қувончлики, сунъий тола аввалгисидан анча чидамлироқ бўлиб чиқди. Масалан, мол қилидан ясалган шчётка 300 соат ишлагандан кейин 3-5 миллиметр ейилиб кетадиган бўлса, капрондан тайёрланган шчётка ярим миллиметрча ейилар экан. Бу деган сўз — шчёткалар бир мавсумга эмас, 2-3 мавсумга чидайдиган бўлади. Шуниси ҳам борки, «ХВС-1,2» машиналарида ҳозир ишлатилиб келинаётган шчёткани тайёрлашда ўттиздан ортиқ асбоб-ускуна ва юздан ортиқ ишчи банд бўлса, капрондан шчётка тайёрлашни тўла автоматлаштириш мумкин.

Лаборатория коллективининг бу дастлабки ютуғи уларни руҳлантириб юборди. Кўп ўтмай, иккинчи муҳим янгилик кашф этилди. Маълумки, «ХВС-1-2»нинг ҳам кўрак чувиш машинкаларининг ҳам қисмларини ши жараёнида мойлаб туриш лозим. Аммо мойланган деталлар пахта толасини ифлос қилиб юборади. Ишқаланишга чидамли, ташқарига мой чиқармайдиган янги материал топиш устида яна изланишлар бошланди. Бу материал ҳозиргача қўлланилиб келинаётган металл-керамикага нисбатан анча чидамли бўлиб чиқди.

Пахта териш машинаси ишчи аппаратининг шпиндель ролигини ишлаб чиқаришдаги операциялардан биттасини автоматлаштиришнинг ўзи заводга йилига 1920 сўм фойда келтирадиган бўлди.

Завод коллективи илмий лаборатория ишидан хурсанд.

У. ҲОШИМОВ,
Н. МУМИНОВ.

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Ҳамма жойда иш пировард бўлганда маҳалла комитетининг идораси одамлар билан гавжум бўлади. Покиза бир хонага кишилар навбатма-навбат кириб чиқишяпти. Бу ерда врач беморларни қабул қилмоқда.

Октябрь районидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида истиқомат қилувчи бир группа врачлар ва медицина ҳамширалари яқинда ажойиб бир ташаббус бошлаб юборди-лар. Улар ҳар куни ишдан кейин маҳалладаги беморларни қабул қиладилар, лозим бўлса уйларига ҳам бориб зарур медицина ёрдами кўрсатадилар.

Врачлар М. Хўжаев, С. Солихов, Матчонов, ҳамшира В. Сакаева ўртоқлар медицина ёрдами кўрсатишдан ташқари маҳалла клубида аҳоли билан суҳбатлар ўтказадилар ва лекциялар ўқийдилар. Врач М. Хўжаев ўтказаётган медицина темасидаги савол-жавоб кечаси одамларда зўр қизиқиш туғдирмоқда.

Яқинда врачлардан С. Солихов ва М. Хўжаев маҳалла активлари билан ҳамкорликда хонадонларнинг санитария аҳволини кўздан кечириб, бу масалани маҳалла комитети йиғилишида муҳокама қилдилар.

Врачларнинг жамоатчилик асосидаги бу олижаноб ҳимматларидан ибрат олса арзийди. Маҳалла аҳолиси медицина ходимларининг ташаббусидан ғоят мамнун.

Д. ЭШМУҲАМЕДОВ,
Ю. ҚИРҒИЗОВ.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

11 АПРЕЛДА

Рус тилида: 18.00 — **Демьян Бедний** туғилган кунининг 80 йиллиги (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 — А. Куприннинг **Яккама-якка** повестига ишланган иллюстрациялар («Ленин мукофотига номзодлар» циклидан), 18.50 — **Телевизион янгиликлар**, 19.05 **Концерт** (бадиий ҳаваскорлар ижросида).

Ўзбек тилида: 19.35 — **Космик давр дебочаси** (Космонавтика куни олдидан), 19.55 — **Телевизион янгиликлар**, 20.10 — **Чигит экиш — биринчи синов** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 20.30 — **Рационализатор ва новаторлар**, 20.50 — Ғ. Гулом. **Тинчлик ва дўстлик сатрлари**, 21.10 — **Қора чайка** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Момақалдироқ сўқмоғидан.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Алишер Навоий**, 12/IV да **Олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/IV да **Икки билагузук**, 12/IV да **Тошболта ошиқ.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 12, 13, 14/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР ҳалқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлиги ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.**

КИНО

Армагеддон — «ВШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 9-50 ва 11-45 минутда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), КАФАНОВ номли (кеч 8 яримда).

Капитан Лой туши — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Каролина Риенская — «МИР», «ДРУЖБА» (1-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Танца кечаси — «ВШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3, кеч 7 ва 10-40 минутда), «МОСКВА» (эрталаб 10 ва кундуз 2 да).

Вена қизлари — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Маскарад — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 1, кеч 5 ва 9 да).

Яширин жаннат — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — (1-серия) — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8 яримда).

Жодугар қизи — «ДРУЖБА» (2-залда кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ЯНГИ АТТРАКЦИОН
Анатолий Сокол
ЎЗ ЁРДАМЧИСИ — ЭЛЕКТРОН.
МЕХАНИК КИШИ
«РОБОТ» БИЛАН.
Томошалар кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

АЗОТ САНОАТИ ВА ОРГАНИК СИНТЕЗ МАҲСУЛОТЛАРИ ДАВЛАТ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИНИНГ
ЧИРЧИҚ ФИЛИАЛИ
аналитик лабораториянинг вакант бошлиғи вазифасида ишлаш учун
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Конкурс муддати — 29/IV гача.
Конкурсда фанлар доктори ёки кандидати, шунингдек кўп йиллик ишлаб чиқариш стажи бўлган мутахассислар қатнаша олади.
Квартира билан 3-5 ой ичида таъминланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Чирчиқ шаҳар, 8-почта бўлими.

ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
халқ хўжалигини планлаштириш кафедрасининг вакант ўқитувчиси вазифасида ишлаш учун
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Ариза бериш муддати — 3/V гача.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Арпапоя кўчаси, Қирқгул проезд, 15-а уй.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
„Узторгстроймонтаж" трести
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар 20/IV гача қабул қилинади.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

● Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш университетида машғулотлар мунтазам ўтмоқда. Республика сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият шаҳар бўлимининг марказий лекторийсида университетнинг назбатдаги машғулоти бўлди. Бу ерда медицинага оид темаларда профессорлар З. Умидова, Х. Зоҳидов И. Ласков ва бошқалар лекция ўқимоқдалар.

А. КИМ.

● Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих музейи янги ёдгорликлар, буюмлар билан бойитилмоқда. Бу ерда «Ўқувчилар куни», «Очиқ эшиклар куни» ва бошқа тадбирлар уюштирилмоқда.

В. ЮСУПОВ.

САККИЗИНЧИ УЙИН ДУРАНГ БЎЛДИ

МОСКВА, 9 апрель. (ТАСС). Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги матчининг саккизинчи ўйини 55-юришда дуранг бўлди. Матчнинг ҳисоби Тигран Петросян фойдасига 4,5:3,5 бўлди.

ТИНЧ ҚИШЛОҚЛАРГА ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

ХАНОЙ, 9 апрель. (ТАСС). Американинг 22 офицери қўмондонлигидаги америка-нгодиньдьемчи қўшинларининг икки полкдан кўпроқ аскарлари 7 мартда Бен-Тре вилоятидаги икки қишлоққа ҳужум қилдилар.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришича, бу ҳужумда 6 самолёт, 5 амфибия бронеавтомобили, 20 десант кемасидан фойдаланилган.

Америка-нгодиньдьемчи қўшинларининг бир неча батальони 18 мартда дарё кемаларидан туширилган ва улар ана шу вилоятнинг аҳоли яшайдиган бошқа кўп пунктларига ҳужум қилганлар.

Вьетнам халқ армияси олий қўмондонлигининг алоқа миссияси кузатиш ва контроль халқаро комиссиясига юборган мактубида ана шу ҳужумларга қарши қатъий норозилик билдирди.

ПОЛИЦИЯ ҚУРБОНИ

ГАВАНА, 9 апрель. (ТАСС). Венесуэла Коммунистик партиясининг атоқли арбобларидан бири Хорхе Паредес 7 апрелда ўз уйида полиция томонидан ўлдирилди, деб хабар беради Пренса Латина агентлигининг мухбири Каракасдан.

Паредес Компаргия Каракас шаҳар комитетининг аъзоси эди.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДУШАНБАНИ ТОМОША ҚИЛАДИ

Фрунзе телевидение студиясининг дикторларини Тошкентдаги мовий экранларда тез-тез кўриб туриш мумкин. Қирғизистонлик ҳамкасбларнинг чиқишига яқинда душанбалик дикторлар ҳам қўшилади. СССР Алоқа министрлигига қарашли Бутуниттифоқ давлат лойиҳалаш институтининг Тошкент бўлими лойиҳа қилган радиореле линияси қардош республикаларнинг пойтахтлари ўртасида программаларни доимий айирбошлаб туришга имкон беради.

— Барқарор алоқани таъминлаш учун, — деди лойиҳанинг бош инженери С. В. Голофеев, — биз кучайтириш коэффициенти катта бўлган антеннанинг янги типини ишлаб чиқдик. Бу антенна тоғлардаги ретрансляция станциялари ўртасидаги масофани 110 километргача етказиш имконини беради. Бундай антенналарни баланд тоғли трасса шароитида қўлланиш трассадаги бу хил станциялар сонини уч баравар камайтиради.

Баланд тоғли станциялардан ҳар қайсиси посёлка билан осма канат йўли орқали боғланган бўлади. Бу тадбир линияда хизмат қилувчи техника ходимларини денгиз сатҳидан 2-4 минг метр баландликдаги абадий қорлар орасида мажбуран қишлаб қолишдан халос қилишга имкон беради.

Радиореле линияси қурилиши бу йил бошланади. Душанба ва Тошкент телестудияларининг биринчи марта 1964 йилда ўз программаларини айирбошлашлари мумкин бўлади. Трансляциялар орасидаги танаффус вақтларида линиядан видео телефон алоқасини ташкил этиш учун фойдаланиш мумкин бўлади.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ФАН ВА ТУРМУШ»

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг ойлик илмий-оммабоп журнали «Фан ва турмуш»нинг март сони босмадан чиқди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг академик секретари А. Музаффаров «Ҳаёт ҳақидаги фан ва ҳаёт» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган. Мақолада республикамиз биолог олимлари олиб бораётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинади. Бутуниттифоқ қорақўлчилик институтининг илмий ходими У. Валиев республикамизда қорақўлчиликни ривожлантириш, ўрта Осиё ипакчилик илмий текшириш институти директорининг ўринбосари, республика-да хизмат кўрсатган агроном А. А. Сухарев пиллачилик, Қ. Нурматов суғориладиган райондарда алмашлаб экишнинг янги, илғор структураси ҳақида фикр юритадилар. Журнални варақлаган ўқувчи физика-математика фанлари кандидати Р. Бекжоновнинг энергиянинг янги турлари ҳақидаги, тарих фанлари кандидати А. Муҳаммаджоновнинг тарихий сув иншоотлари тўғрисидаги, С. К. Клумовнинг океанлар остида учрайдиган ҳайвонот дунёсига бағишланган ва бошқа материалларни ўқийдилар.

Ойлар ичида ҳафта

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАМПЕРЕДАГИ В. И. ЛЕНИН МУЗЕЙИДА

ТАМПЕРЕ, 9 апрель. ТАСС мухбири **П. Коновалов** хабар беради: шонли пролетар традициялари шаҳри Тампере улуг Ленин хотирасини ҳурматлаб эсга олмоқда. Бу ерда большевикларнинг 1905 йилда Таммерфорс конференцияси бўлиб ўтган бинода ўн беш йилдан кўпроқ вақтдан буён Ильич музейи ишлаб турибди. Шу йиллар ичида жаҳоннинг турли мамлакатларидан неча минглаб кишилар шу музейни келиб кўрдилар.

А. Н. Косигин ва совет ҳукумат делегациясининг аъзолари музей экспозициясини, хусусан Блумквист оиласининг Хельсинкидаги квартираси жиҳозларини зўр иштиёқ билан томоша қилдилар. В. И. Ленин 1917 йил куз фаслида шу оила квартирасида муваққат ҳукумат айғоқчиларининг таъқибидан яшириниб эди.

Совет ҳукумат делегацияси В. И. Ленинянинг катта бюстини ва Владимир Ильичнинг нутқлари ёзилган магнитофон лентларини музейга ҳадя қилди. А. Н. Косигин В. И. Ленин музейини томоша қилувчилар дафтарига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Биз совет халқи улуг йўлбошчиси В. И. Ленининг бу ерда бўлиши ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бўғорлик жойларни эътибор билан сақлаб келганлиги учун фин халқидан астойдил миннатдормиз».

КЕСКИН СИНФИЙ КУРАШ САМАРАЛАРИ

ПАРИЖ, 9 апрель. (ТАСС). Ўтган ой ичида француз меҳнаткашларининг забастовка ҳаракати ғоят кучайиб кетди. Бунинг натижасида бир қанча иқтисодий ғалабалар қўлга киритилди. Француз кончилари 35 кун давом этган стачка ҳаракати натижасида бу йил иш ҳақини 11 процент оширишга ва ҳақ тўланадиган йиллик отпуска муддатининг тўрт ҳафтагача узайтирилишига муваффақ бўлдилар. Темир йўлчилар кейинги ой ичида тўрт марта ишларини тўхтатдилар. Уларнинг иш ҳақи 5 процент кўпайтирилди. Электриклар ва газ саноатининг ишчилари иш ҳақига 4 процент устама берилишига муваффақ бўлдилар. Темир конлари ишчиларининг оммавий суратда ишдан бўшатишни тўхтатиш тўғрисидаги энг муҳим талаби қондирилди. Бир миллиондан кўпроқ металлист, тўрт юз минг тўқимачи, химия саноатининг 240 минг ишчиси, икки юз минг тикувчи, 220 минг транспортчи, бошқа категориялардаги меҳнаткашлардан икки юз мингдан кўпроқ киши корхона эгалари ва ҳукуматни ҳақ тўланадиган отпуска муддатини узайтиришга мажбур қилдилар.

Р. Я. МАЛИНОВСКИЙНИНГ БИРМАДА БЎЛИШИ

РАНГУН, 9 апрель. (ТАСС). Совет Иттифоқи мудофаа министри Маршал Р. Я. Малиновский Бирма бўйлаб қилган сафаридан бугун Рангунга қайтиб келди. СССР мудофаа министри Мемьо, Мандалай, Таунгжи шаҳарларида бўлди.

Совет меҳмони 8 апрель душанба куни денгиз соҳилидаги Сандовай шаҳрида дам олди. Революцион кенгашнинг раиси генерал Не Вин ҳам бу ерда оиласи билан дам олар эди.

Бирма матбуоти Р. Я. Малиновскийнинг Бирмага қилган визитига катта эътибор бермоқда. «Авангард» газетасининг бош мақоласида бундай дейилади: «Биз СССР мудофаа министри, Совет Армияси раҳбарининг визитини табриклаймиз. Совет Армияси контрреволюция ва чет эл интервенцияси фитналарини, агрессия ва фашизм кучларини тор-мор келтирди. Шарқий Европа мамлакатларини нацизм зулмидан озод қилди». Бизнинг дўстимиз бўлган Совет Иттифоқи армиясининг тажрибаларини ҳар қанча ўргансак ҳам арзийди, деб тамомлайди ўз мақоласини газета.

КАПИТАЛ МАМЛАКАТЛАРИДА СИНФИЙ КУРАШ

ИТАЛИЯ ДЕНГИЗЧИЛАРИ КУРАШ-МОҚДАЛАР

РИМ. Генуэзда бир неча йирик океан кемалари, шу жумладан «Ллойд Триестино» компаниясининг флагман кемаси «Галилео Галилей» экипажлари иш ташладилар. Иш ташловчилар кемалар экипажларининг моддий аҳволини яхшилаш тўғрисида пароход компанияларининг касаба союз вакиллари билан олиб борилган музокараларни тўхтатиб қўйганликларига қарши норозилик билдирмоқдалар.

«Галилео Галилей» кемасида забастовка айниқса кескин тус олди. Бу кеманинг капитани Каорси иш ташловчиларни ишдан бўшатаман, деб таҳдид қилиб, «тартибсизликни ўн минут ичида тўхтатиш»ни талаб этди. Каорси 1959 йилда, Италия савдо флоти узоқ давом этган забастовка қураши натижасида изидан чиқиб қолган пайтларда қилган ёвузликлари билан матросларнинг орасида ёмон ном чиқарган. Каорси айни вақтда ўз ёрдамчисига «галаёнчилар»нинг ҳаммасини судга бериш учун уларнинг рўйхатини тузишни буюрди.

Капитаннинг қайсарлиги денгизчиларни қаттиқ ғазаблантирди. Экипажнинг шу вақтгача тараддудланиб турган аъзолари ҳам дарҳол забастовкага қўшилдилар. Капитаннинг ёрдамчиси ҳам уларни қўллаб-қувватлади. Капитан ёрдамчиси иш ташловчиларнинг «қора рўйхати»ни тузишдан бош тортди.

ИРЛАНДИЯ АВТОБУСЧИЛАРИ ИШ ТАШЛАДИЛАР

ЛОНДОН. Ирландия Республикасининг барча автобуслари саккизинчи апрель эрта билан гаражларда қолди. Ярим кечада автобус транспорти ходимларининг умуммиллий забастовкаси бошланди. Улар маъмурларнинг меҳнат шароитини ёмонлаштириш ва транспорт ходимлари ўртасида ишсизликни авж олдириш билан таҳдид қилувчи бир қанча тадбирлар кўриш ҳақидаги қарорига қатъий норозилик билдирмоқдалар. Иш ташловчилар пенсиялар миқдорининг ва касаллик юзасидан бериладиган нафақаларнинг кўпайтирилишини ҳам талаб қилмоқдалар.

Транспорт ходимлари автобус бошқармасининг муросага келиш тўғрисидаги таклифини рад этдилар ва стачкани ғалаба қозонгунча давом эттириш ниятидадирлар.

Ирландия автобусчилари шу билан бу йил иккинчи марта умуммиллий забастовка ўтказдилар.

ТАЛАБНИ ҚОНДИРИШДАН БОШ ТОРТИЛГАНЛИГИГА ЖАВОБАН

ТОКИО. Фукуока шаҳридаги (Кюсю ороли) Асахи Хосо радио ва телевидение компанияси ходимлари 8 апрелда забастовка ўтказдилар. Улар бу билан кейинги кунларда бешинчи марта иш ташладилар. Айни вақтда радио ва телевидение орқали эшиттириш 4 соат тўхтаб турди. Радио ва телевидение компаниясининг эгалари иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги талабларни қондиришдан бош тортганликлари жавобан ана шу бешинчи забастовка ўтказилди.

Шу куни айрим жойларда ўтказилган забастовкалар кетидан Окинавадаги автобус компанияларининг ишчилари ҳам иш ташладилар. Нахадан (Окинавининг маъмурий маркази) олинган хабарларга қараганда, забастовкада олти компаниянинг ишчилари ва хизматчилари қатнашмоқдалар. Иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлаш юзасидан биргалик-да кураш олиб бориш учун иш ташловчилар томонидан тузилган кенгаш бу забастовкага раҳбарлик қилмоқда.

ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРДАН ХАБАРЛАР

● **Гредицедаги (ГДР) пўлат қуйиш заводи март ойида 32.000 тонна сифатли пўлат ишлаб чиқарди. Бу эса корхона қурилганидан буён ўтган давр ичида эришилган энг юқори муваффақиятдир.**

● **Бу йил Пхеньян шаҳрининг атрофидаги қишлоқларда 20 дан кўпроқ ўрта ва техника мактаблари қурила бошланди. Бу мактаблар ўқувчилар учун ҳар хил кабинетларга ва ўқув устахоналарига эга бўлади.**

● **Чехиянинг Ческе-Будеевице шаҳрида «Инсон коинотда» деган совет виставкаси очилди. Бу ерда илмий приборлар ва ернинг сунъий йўлдошларининг моделлари, диаграммалар ва фотосуротлар бор. Булар космосни ўзлаштиришда совет фани эришган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилади.**

● **Англиянинг тинчлик учун машҳур курашчиси, Кентербер жомъининг бош руҳонниси, доктор Хьюлетт Жонсон 7 апрелда ўзининг сўнгги ваъзини ўқиди. Унинг бу ваъзи тинчликни ҳимоя қилиш проблемасига бағишланган эди. Хьюлетт Жонсон Кентербери жомъининг бош руҳониси сифатидаги ўз фаолиятини яқин вақт ичида тўхтатади.**

● **Ланкаширдаги кўмир шахталаридан бирида ёнғин чиққанлиги натижасида 400 шахтёр ишсиз қолди. «Дейли уоркер» газетасининг хабар беришича, табиий офат сабабли ишсиз қолган бу шахтёрлар учун ишлаб турган кўмир корхоналарида жой топилмайди.**

● **Жанубий Вьетнам ҳарбий ҳаво кучларига қарашли бўлган ва американлик учувчилар бошқараётган «Б-26» типидаги қўш моторли бомбардимончи самолёт Сайгондан сал шимолроқда йиқилиб тушиб, парчаланди. Бу — Жанубий Вьетнам ватанпарварларига қарши операцияларда фойдаланилаётган «Б-26» самолётларининг кейинги вақтда юз берган тўртинчи ҳалокатидир.**

● **Андидаги сел натижасида тог дарёсининг тошган суви тўғонни емириб, Колумбиядаги Санта-Тереса қишлоғини босган. Бир неча ўнлаб уй вайрон бўлиб оқиб кетган, 30 киши ҳалок бўлган. (ТАСС).**



ТОШКЕНТ. Шаҳарнинг «Буревестник» спорт жамиятининг ёш спортчилари байдаркаларда эшкак эшишни ўрганмоқдалар. Суратда: машқ ўтаётган пайт.

Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

«ЕТТИ ЙИЛЛИК АМАЛДА» ФОТОВИСТАВКАСИДА

Яқинда пойтахтимиздаги Округ Офицерлар уйида 4-республика «Етти йиллик амалда» фотовиставкасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Республикамизнинг область ва шаҳарларидан 76 та фотограф ўзларининг 225 фотосуратлари билан қатнашдилар. Булардан 37 киши ҳаваскорлардир. Фотографларнинг 33 сурати Москвада Бутуниттифоқ «Етти йиллик амалда» виставкасига қўйилди.

Сўзга чиққанлар фотографларнинг маҳорати анча ошганини, суратлар композицияси ранг-баранглигини қайд қилдилар. Виставканинг камчиликлари ҳам кўрсатиб ўтилди. Чорвачилик, фан, ёшлик, дам олиш каби темаларга кам аҳамият берилганлиги айтилди. Бундай фотовиставкаларни областларда, завод ва фабрикаларда ташкил қилиш зарурлиги қайд қилинди. Виставка ғолибларига дипломлар топширилди.

Ҳ. ҲАСАНОВ.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкентдаги 1-тиқувчилик фабрикаси қошида Сиҳат-саломатлик университети очилди.

Биринчи машғулотда профессор Ғ. Маҳкамов Сиҳат-саломатлик университетининг вазифалари ҳақида гапирди. Ассистент А. И. Сольнишко «Оила ва боласизлик масалалари» деган темада доклад қилди.

Машғулот охирида медицина темасида кинофильм кўрсатилди.

— Университетда машғулотларни медик-профессорлардан Ғ. Маҳкамов, А. Капенович, врач Н. А. Обрудов ва бошқалар олиб борадилар, — дейди университет ректори А. А. Каграманова. — Машғулотлар ҳар ойда икки марта ўтказилади. Ҳозир университет машғулотларига 140 дан ортиқ тингловчи қатнашяпти.

М. ЭРНАЗАРОВА.

ФУТБОЛ

Иккинчи мағлубият

«Пахтакор» кеча Олмаотада «Ғайрат» командаси билан навбатдаги учинчи ўйинини ўтказди. Бутун ўйин давомида майдон эгалари актив ҳужум қилдилар. Уларнинг техник жиҳатдан устунлиги, уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўйнаганликлари биринчи ўйиндаёқ ғалабага эришишларини таъминлади. Пахтакорчилар эса анча пассив ҳаракат қилдилар. Уларнинг бир-бирларини тушунмай ва бошланган ҳужумни оҳирига етказа олмаганликлари бу ўйин давомида сезилиб турди. Марказий ҳимоячи Моторин ва дарвозабон Пшеничниковнинг бир неча тузук ўйнаши натижасида олмаоталиклар ҳисобни кўпайтира олмадилар.

Ўйин 1:0 ҳисоби билан «Ғайрат» командаси фойдасига тугади. Бу — пахтакорчиларнинг иккинчи мағлубияти.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258 Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323 Масъул секретарь — 34435. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226 Саноат қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258 Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34461. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р 06311 Индекс 64543. Нашр. № 86.